

Ma'rifat

МАЪРИФАТ * ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ * مەرىفەت

1931 йилдан чиқа бошлаган 2002 йил 19 январь, шанба Баҳоси сотувда эркин нархда № 5 (7408)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

Тошкент шаҳрида Халқаро Вестминстер университетини ташкил этиш тўғрисида

Республикада жаҳон таълим стандартлари талабларига мувофиқ олий маълумотли юқори малакали кадрлар тайёрлашни ташкил этиш, қобилиятли ёшларнинг салоҳиятини юзага чиқариш ва мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида улардан самарали фойдаланиш учун шарт-шароитлар яратиш, ривожланган мамлакатларнинг етакчи олий таълим муассасалари билан ҳамкорликни янада кенгайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг иқтидорли ёшларнинг чет элда таълим олишларини қўллаб-қувватлаш «Умид» жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Британия Кенгаши ва Вестминстер университетининг (Буюк Британия) Тошкент шаҳрида Халқаро Вестминстер университети ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

Олий таълим сифатига қўйиладиган умумий эътироф этилган халқаро талабларга, Ўзбекистон Республикаси Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг мақсадлари ва вазифаларига

мувофиқ «Иқтисодиёт», «Менеджмент», «Ахборот технологиялари» ва «Хуқуқ» йўналишлари бўйича бакалаврият ва магистратура тизими бўйича мутахассислар тайёрлаш Халқаро Вестминстер университетининг асосий вазифаси ҳисоблансин.

Белгилансинки, Халқаро Вестминстер университети «Умид» жамғармаси ва Вестминстер университети (Буюк Британия) томонидан таъсис этиладиган олий ўқув юрти ҳисобланади.

2. Халқаро Вестминстер университетини ташкил этиш бўйича ташкилий комиссия таркиби тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, «Умид» жамғармаси Вестминстер университети билан келишган ҳолда икки ой муддатда Халқаро Вестминстер университети тўғрисидаги Низомни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

4. Белгилансинки: университет фаолиятига ўқув-методик раҳбарлик Вестминстер университети (Буюк Британия) ва Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан амалга оширилади;

университетнинг жорий фаолиятини маблағ билан таъминлаш;

бинолар ва иншоотларни реконструкция қилиш, мукамал тузатиш;

моддий-техника ва ўқув-методик базани жиҳозлаш тўлов-контракт асосида талабалар ўқитилганлиги учун тушадиган маблағлар, чет эл ва миллий ҳомийларнинг маблағлари, «Умид» жамғармаси ва халқаро ташкилотларнинг грантлари, хорижий инвестициялар, давлат

бюджети (етишмаган қисми) ҳисобига амалга оширилади;

университетда ўқитиш «Умид» жамғармаси грантлари ва тўлов-контракт асосида кундузги ўқиш шакли бўйича, Вестминстер университетида қабул қилинган таълим стандартларига, бакалаврият ва магистратура ўқув режалари ва дастурларига мувофиқ ўтказилади;

университетга абитуриентларни қабул қилиш Халқаро Вестминстер университети тўғрисидаги Низомда белгиланадиган тартибда ва муддатларда амалга оширилади;

университет битирувчиларини аттестациядан ўтказиш Вестминстер университетида белгиланган талабларга мувофиқ амалга оширилади.

Белгилансинки, Халқаро Вестминстер университети битирувчиларига Ўзбекистон Республикасида олий маълумот тўғрисидаги ҳужжат ҳисобланадиган Вестминстер университети тамомлаганлик тўғрисида диплом берилади.

(Давоми 2-бетда)

«YIL O'QITUVCHISI — 2001»

Ватанпарварликни қандай тушунасиз? Садоқатлилик қандай мезонлар билан ўлчанади? Ватанни не сабабдан севамиз? «Йил ўқитувчиси — 2001» республика кўрик-танлови иштирокчиси, Нукус шаҳридаги 31-мактабнинг тарих фани муаллимаси Ардақ Муратбоева «Ватан туйғуси» фанидан Миробод туманидаги 110-мактабнинг 6-«Б» синф ўқувчилари ҳузурда ўтган «Ватанга содиқлик — муқаддас бурч» мавзусини шу каби саволларни бериш билан бошлаб, ўғил-қизлар диққатини асосий мақсад сари йўналтира билди. Сўнгра у ўқувчиларни икки гуруҳга ажратди ва улар ўртасида баҳс-мунозара уюштирди. Мунозара давомида ўқувчиларга қўшимча саволлар берилиб турилди. Бу усул дарснинг самарали ўтишига сабаб бўлди.

Суратда: жонкуяр муаллима Ардақ Муратбоева дарс пайтида.

Бурхон РИЗОКУЛОВ олган сурат.



27 январда
Ўзбекистонда
Умумхалқ
Референдуми
бўлиб ўтади
2-БЕТ

**ОТА-ОНАЛАР
МАЖЛИСДАН
НЕГА БЕЗОР?**

3-БЕТ

**«ОТА-ОНАМ
БИЛАН
ЯШАСАН
ДЕЙМАН...»
4-БЕТ**

**«ГҮРИ АМИР»
ТАРИХИДАН
НОДИР ЛАВҲАЛАР**

8-БЕТ

**МАКТУБЛАРДА
ҲАЁТ НАФАСИ**

11-БЕТ

ТЕЛЕДАСТУРЛАР

ЎзТВ I,
«Ёшлар» телеканали,
ЎзТВ III
«Тошкент» телеканали,
ЎзТВ IV
«Халқаро» телеканал

14-БЕТ

**Umid nihollari
УЛАР ОРАСИДА
ЧЕМПИОНЛАР
ҲАМ БОР**

15-БЕТ

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг
ҚАРОРИ****Тошкент шаҳрида Халқаро
Вестминстер университетини
ташқил этиш тўғрисида**

(Давоми. Боши 1-бетда)

5. Халқаро Вестминстер университети Тошкент шаҳар, Охунбобоев кўчаси, 12-уйга жойлаштирилсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги:

Тошкент авиация коллежининг биносини барча ўқув ва хўжалик иморатлари билан биргаликда Тошкент авиация институти балансидан «Умид» жамғармаси балансига текин берсин;

Тошкент авиация институти спорт комплекси негизда Халқаро Вестминстер университети талабаларининг жисмоний тарбия ва спорт билан тўловсиз шуғулланиши учун шарт-шароитлар яратсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги:

Тошкент авиация коллежини Тошкент авиасозлик касб-хунар коллежи билан бирлаштирсин ва Тошкент шаҳар, Паркент кўчаси, 331-уйга жойлаштирсин;

Тошкент давлат авиация институтининг фуқаро авиацияси факультети Тошкент шаҳар, Шаҳрисабз кўчаси, 42-уйдаги бинога жойлаштирилишини таъминласин, ушбу мақсадлар учун бино ва иншоотларни «Ўзгўлатқурилишконструкция» очиқ акциядорлик жамияти балансидан институт балансига текин берсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги:

«Ўзкимёфарм» очиқ акциядорлик жамияти билан биргаликда Тошкент шаҳар, Янги замон кўчаси, 1а-уйда жойлашган ётоқхона биносини «Ўзкимёфарм» очиқ акциядорлик жамияти балансидан Халқаро Вестминстер университети балансига ётоқхона ташқил этиш учун текин берсин;

«В.П.Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» давлат-акциядорлик жамияти билан биргаликда Тошкент шаҳар, Паркент кўчаси, 331-уйда жойлашган ётоқхона биносини атрофдаги хўжалик блокти билан биргаликда «В.П.Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» давлат-акциядорлик жамияти балансидан Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази балансига текин берсин.

8. «Умид» жамғармаси:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда Вестминстер университети билан келишган ҳолда 2002 йил 1 февралгача Халқаро Вестминстер университетининг ташқили тузилмасини, штатлар жадвалини ва харажатлар сметасини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

Халқаро Вестминстер университети белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказсин;

Ўзбекистон Республикаси Макроиктисодиёт ва статистика вазирлиги, Молия вазирлиги билан биргаликда берилаётган бинолар ва иншоотларни реконструкция қилган ва мукамал таъмирлаган, зарур ўқув-лаборатория анжомлари, компьютер техникаси ва кутубхона фонди билан жиҳозлаган ҳолда Халқаро Вестминстер

университети комплекси 2002 йил 1 сентябргача ишга туширилишини таъминласин;

Ўзбекистоннинг олий таълим ва илмий муассасалари юқори малакали мутахассислари ва ўқитувчиларини танлов асосида танлаб олсин ва уларнинг тажриба орттирилишини ташқил этсин, кейинчалик уларни Халқаро Вестминстер университети ишига жалб этсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги:

Адлия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига «Таълим тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифлар тақдим этсин;

«Умид» жамғармаси билан биргаликда Халқаро Вестминстер университети 2002/2003 ўқув йили бошлангунгача Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолият кўрсатаётган олий таълим муассасалари учун мажбурий бўлган зарур ўқув-услубий ҳужжатлар билан таъминласин.

10. Халқаро Вестминстер университетига юкланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида Университет 5 йил муддатга солиқларнинг барча турларидан ва боғжона тўловларидан (боғжона расмийлаштируви учун йиғимлардан ташқари), шу жумладан ўз эҳтиёжлари учун асбоб-ускуналар, моддий-техника ресурслари ва инвентарлар келтиришда истисно тариқасида озод қилинсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Халқаро Вестминстер университетининг буюртманомаларига биноан, таълим жараёнида қатнашувчи хорижий ўқитувчиларга келиш визаларини консуллик йиғимлари ундирмасдан беришни таъминласин.

12. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Халқаро Вестминстер университети буюртманомаларига биноан таълим жараёнида қатнашувчи хорижий ўқитувчилар учун кўп марталик визалар берилишини ва уларнинг муддати узайтирилишини, вақтинчалик рўйхатдан ўтказилишини ва вақтинчалик рўйхатдан ўтказиш муддати узайтирилишини давлат божи тўловсиз таъминласин.

13. Халқаро Вестминстер университетига ўқитиш ва илмий ишлар учун таклиф этилган хорижий профессорлар ва ўқитувчиларнинг яшаши ва транспорт харажатлари учун тўловни миллий валютада, Ўзбекистон фуқаролари учун белгиланган тарифлар бўйича амалга оширишга рухсат этилсин.

14. Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги Халқаро Вестминстер университетини белгиланган тартибда зарур телефон ва телекоммуникация алоқаси турлари, шу жумладан ҳукумат алоқаси билан таъминласин.

15. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Р.Азимов ва Ҳ.Кароматов зиммасига юклансин.

**Вазирлар
Маҳкамасининг Раиси
И.КАРИМОВ**Тошкент шаҳри,
2002 йил 16 январь**«Жамият ва давлат ҳаётининг энг муҳим масалалари халқ муҳокамасига тақдим этилади, умумий овозга (референдумга) қўйилади».**

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 9-моддаси

Олий Мажлиснинг мамлакатимиз икки палатали парламентини шакллантириш ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг конституциявий ваколат муддатини беш йилдан етти йилга узгартириш масалалари юзасидан 2002 йил 27 январда референдум ўтказиш тўғрисидаги қарори ватандошларимизда катта қизиқиш уйғотди. Бу қарор жамиятимиз турли тоифа ва қатламлари, бутун халқимиз томонидан кенг қўллаб-қувватланмоқда.

Мамлакатимиз миқёсидаги бу муҳим сиёсий тadbир — булажак референдумни ҳақон андозаларига мувофиқ равишда ва референдум тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, хусусан, «Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида», «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатлар талаблари асосида юксак савияда

қатнашиш ҳуқуқига эга экани назарда тутилган. Бу эса, табиийки, референдумга тайёргарлик куриш ва уни ўтказишда очиқлик ҳамда ошқораликни таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Шу жиҳатдан, бугунги кунда тегишли ташкилотлар, фуқаролар ташаббускор гуруҳлари, шунингдек, хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар кузатувчиларини рўйхатга олиб, уларга белгиланган тартибдаги мандатларни бериш ишлари ҳам фаол давом этмоқда. Шуниси эътиборлики, ҳозирга қадар МДХ мамлакатлари ва АҚШ, Германия, Канада каби хорижий давлатлардан кузатувчилар референдумга тайёргарлик куриш ва уни ўтказишга доир тadbирларда қатнашиш истагини билдирган.

Референдумни уюшқоқлик билан ўтказиш, шак-шубҳасизки, муайян ташкилий-тайёр-

поқ ва рус тилларида тайёрланган булиб, белгиланган муддатда тегишли округ ва участкаларга етказиб берилади. Мазкур бюллетенларда референдумга қўйилаётган ҳар икки масала матнлари ва овоз берувчи хоҳиш-иродасининг вариантлари аниқ акс эттирилган.

Шу уринда референдумга қўйилаётган биринчи масала — икки палатали парламент тузиш гоёси мамлакатимиз раҳбари Ислам Каримов томонидан Олий Мажлиснинг иккинчи сессиясида илгари сурилганини эслатиб ўтиш жоиз. Юртбошимиз ташаббускори булган ана шу замонавий парламент ислоҳотчилиги гоёсини ҳаётга татбиқ этишни мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат ва адолатли фуқаролик жамиятини куришнинг ҳозирги босқичи тақозо қилмоқда. Шу боисдан ҳам, Олий Мажлиснинг еттинчи сессиясида икки палатали парламент-

УМУМХАЛҚ МАСЛАҲАТИ

ўтказиш бўйича кенг куламли тайёргарлик ишлари давом этмоқда.

Марказий сайлов комиссияси матбуот хизмати маълум қилишича, аввало Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича 14 та референдум округи тузилган. Жойларда референдумда иштирок этиш ҳуқуқига эга булган фуқароларимизга мумкин қадар қулайлик яратиш мақсадида 7810 та референдум участкаси тузилган, шундан 37 таси мамлакатимизнинг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурда ташқил этилган.

Референдум ўтказувчи округ ва участка комиссиялари таркиби тасдиқланди. Марказий сайлов комиссияси аъзолари кўмагида округ комиссияларида фаол иш олиб борилмоқда, ана шу комиссия аъзолари иштирокида турли учрашув, мулоқот ва амалий анжуманлар ўтказилаётди. Референдум ўтказувчи участка комиссиялари иштини ташқил этиш юзасидан Тавсиялар ишлаб чиқилган. Бу Тавсиялар алоҳида китобча шаклида чоп этилиб, референдум ўтказувчи барча округ ва участкаларга етказилган.

Референдум округларининг референдумда иштирок этиш ҳуқуқига эга булган фуқаролар сони ва референдум ўтказувчи округ комиссиялари жойлашган манзиллар рўйхатлари қонунда белгиланган муддатда республика матбуотида эълон қилинди. 13 миллиондан зиёд ҳамюртимиз овоз берувчи фуқаролар рўйхатига кириштирилди. Айни пайтда референдум ўтказувчи участка комиссиялари жойларда овоз берувчи фуқаролар рўйхатларини ҳамма танишиши учун тақдим этишга киришди.

Қонунда референдумга тайёргарлик куриш ва уни ўтказишга доир барча тadbирларда сиёсий партиялардан, фуқаролар ташаббускор гуруҳларидан кузатувчилар, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари, хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлардан кузатувчилар

гарлик ишларини амалга оширишни тақозо этади. Шу маънода, жойларда референдум участкаларини жиҳозлаш, овоз бериш хоналари, кабиналари ва қутилари ҳамда бошқа ашёларни тайёрлаб қўйиш, овоз бериш тартибига риоя қилиш ва умуман, ватандошларимизнинг референдумда фаол иштирок этиши учун қулай шарт-шароит яратиш борасида ҳар бир округ ва участкада кенг миқёсли амалий ишлар ниҳоясига етказилмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, мазкур сиёсий тadbирга ҳуқуқий жиҳатдан асос булиб хизмат қиладиган муҳим ҳужжат — янги таҳрирдаги «Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида»ги Қонун алоҳида китоб шаклида ўзбек, рус ва инглиз тилларида кўп минг нусхада нашр этилиб, барча округ ва участкаларга, бошқа мутасадди ташкилотларга етказилди. Бундан ташқари, парламент Раиси Э.Халиловнинг «Ўзбекистон Республикаси референдуми — миллий давлатчилик тараққитининг муҳим босқичи» рисоласи ҳам ўзбек, рус ва инглиз тилларида чоп этилди. Унда референдумга қўйилган масалалар батафсил шарҳланган. Олий Мажлиснинг «Ўзбекистон Республикаси референдуми» қарори ҳамда референдумли плакатлари ўзбек, қорақалпоқ ва рус тилларида тарқатилди. Шубҳасизки, бу ишлар референдумга қўйилаётган масалалар мазмун-моҳиятини тарғиб ва ташвиқ этишда муҳим аҳамиятга моликдир.

Референдумни юқори савияда ўтказишда алоҳида аҳамият касб этадиган зарур ҳужжатлар ва иш қоғозлари — округ ва участка комиссиялари раисларининг гувоҳномалари, овоз берувчи фуқароларнинг рўйхати, маҳаллий ва хорижий кузатувчилар учун мандатлар, таклифномалар ва бошқа зарур ҳужжатлар тайёрланди.

Референдумда овоз бериш бюллетенлари ўзбек, қорақал-

ни шакллантириш масаласи ҳокимият тармоқларини аниқ белгилаш асосида миллий давлатчилик институтларини янада мустаҳкамлаш заруратидан келиб чиқадиганига алоҳида ургу берилгани бежиз эмас. Зеро, парламентнинг икки палатали таркиби қонунлар яратиш жараёни сифатини янада яхшилаш, турли ижтимоий-сиёсий кучлар ва алоҳида ҳудудлар манфаатлари мувозанатини таъминлашга хизмат қилади.

Иккинчи масала — Ўзбекистон Республикаси Президентининг конституциявий ваколат муддатини беш йилдан етти йилга узгартириш борасидаги таклиф ҳам ана шу заруратдан келиб чиқади. Олий Мажлис сессиясида алоҳида эътибор қаратилганидек, бу уринда гап, аввало, муайян шахсларнинг хоҳиш-истагига боғлиқ булмаган ҳолда фаолият юри-тадиган, жамиятимизнинг барқарор ва жадал ривожланишини таъминлайдиган самарали давлат бошқаруви тизимини ташқил этиш ҳақида бормоқда.

Референдум — умумхалқ маслаҳати, умумхалқ ишидир. Бу улугвор иш учун ҳар биримиз масъулмиз. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси референдум ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилганлиги миллий давлатчилигимизни янада мустаҳкамлаш, демократия ва ҳуқуқни ривожлантириш, фуқаролик жамиятини қарор топтириш борасида муҳим аҳамиятга эгадир.

Албатта, тараққий этган мамлакатлар тажрибасига таянган ҳолда демократик принциплар асосида ўтказиладиган муҳим сиёсий тadbир — референдум узининг самарасини бериши шак-шубҳасиздир. Халқимиз бугун ана шундай залворли вазифаларни ҳал этиш арафасида турибди. Бу эса барчамиздан улкан масъулиятни ҳис этган ҳолда уз фуқаролик бурчимизни виждонан бажаришимизни талаб этади.

Халқимиз маънавиятининг меҳр-мурувват, хайр-саховат, эзгулик каби қадриятлари узок ўтмишга бориб тақалади. Масалан, ҳазрати Навоий улкан маънавий-маърифий фаолиятлар билан бирга хайр-саховат ишларига ҳам алоҳида эътибор берганлар. Ҳатто Ҳиротда етим—есирлар учун "Холисия" номли сағирлар уйи қурилишига ҳайрихоҳлик қилган. Мазкур мурувват уйи давлат томонидан ҳамда саховатпеша инсонлар ёрдамида моддий таъминотда бўлган экан.

Бугун бундай савобли ишларни юртимизнинг ҳар бир ҳудудидан кузатиш мумкин. Ҳозирги пайтда республикамизда жами 27 та "Меҳрибонлик уйлари" болаларга таълим-тарбия бериш билан шуғулланиб келмоқда. Шулардан 2 таси ақли заиф болалар уйидир. Уларда жами 3500 нафардан ортиқ болалар таълим ва тарбия олади.

Фаргона вилоятининг Кўқон шаҳрида жойлашган меҳрибонлик уйи шундай масканлардан бири ҳисобланади. Машҳур адиблар Усмон Носир, Абдулла Қаҳҳор, Ёқуб Ҳошимов, бастакорлар Сулаймон Розиков, Мутал Бурҳонов, санъаткор Курбон Назоров каби кўплаб атоқли зиёлиларимиз тарбияланиб, мустақил ҳаётга йўлланма олган муқаддас маскан ҳам худди шу, Кўқондаги Абдулвахоб Ибодиев номидаги 12-меҳрибонлик уйидир.

"Меҳрибонлик уйи"га 1920 йилда Абдулвахоб Ибодиев ва Лев Фейгинлар томонидан асос солинган.

Худди шу ерда икки маърифатпарвар А.Ибодиев ва Лев Фейгинлар ҳаётига чизгилар бериб ўтишни лозим деб топдик.

Абдулвахоб Ибодиев 1877 йилда Хўқанди латифининг янги Чорсу мавзесидаги эски Аравабозор маҳалласида, хунарманд-қосиб оиласида дунёга келди. Отадан эрта етим қолган Абдулвахоб онасининг ёрдамида жаҳид мактабини тамомлади. 1901 йилда ўзи ҳам жаҳид мактабини ташкил этди. Кейинчалик бу мактаб "Урфон" номи билан қайта тузилди. 1919 йилда ушбу даргоҳ биринчи намуна ўзбек мактабига айлантирилди. Мактаб мудири ва муаллими бўлган А.Ибодиев болалар учун 100 ўринли интернат очди. 1930-1937 йилларда А.Ибодиев ушбу биринчи болалар уйига мудирлик қилди. Бу ерда ўнга яқин миллат фарзандлари бир оила болаларидек

«Меҳрибонлик уйлари»да

тарбияланиб, ҳар томонлама камолга етдилар. Улар мустақил ҳаётнинг катта йўли бошида билим асосларини мустаҳкам эгаллаш билан бирга дурадгорлик, тикувчилик каби тўғракларда турли касб-хунарларни ҳам эгаллагалар.

Лев Фейгин эса олис Белоруссиянинг Сено қишлоғида 1880 йилда туғилган. Ёшлиқдан истеъдодли бўлган ўсмир ўқитувчилар курсини тамомлагач, Гродно шаҳрида уч йил рус тили ва адабиёти фанидан дарс берган. Биринчи жаҳон уруши йилларида, аниқроғи 1915 йилда Кўқонга келди. Бу ерда дастлаб ўқитувчилик қилган Лев Фейгин 1920 йилда 100 ўринли учинчи болалар уйини ташкил этди. Бу ерда ҳам турли миллат болалари таълим-тарбия олиш билан бирга муқовасозлик, дурадгорлик, қосибчилик, тикувчилик, тўқувчилик каби устахоналарда

меҳнат қилиб, касб-хунар эгаллашар, ишчи малакасини олишар эди.

Орадан йиллар ўтди. А.Ибодиев ва Л.Фейгинлар асос солган бу даргоҳда 40 мингдан зиёд болалар тарбия топди. Уларни ҳозирги кунда малакатимизнинг турли гушайларида, ҳатто хорижий мамлакатларда ҳам учратиш мумкин. Бу икки болалар уйлари 12-меҳрибонлик уйи бўлиб бирлашди.

Энди бевосита республикамиз мустақил бўлгандан кейинги даврга назар ташласак. "Таълим тўғрисида"ги Қонуннинг 22-моддасида "Етим болаларни ва ота-оналарнинг ёки бошқа қонуний вакилларининг васийлигисиз қолган болаларни ўқитиш ва уларни боқиб давлатнинг тўла таъминоти асосида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади" дея таъкидланган. Хўш, ҳозирги кунда бундай болаларга қандай таълим берилади? Дейлик, туғилган гўдақдан онаси воз кечди ёки қандайдир сабабларга кўра ташлаб кетди. Унда нима қилинади? Гўдақ дастлабки босқичда уч ёшгача бўлган болалар тарбияланадиган меҳрибонлик уйига топширилади. Ундан кейин мактабгача таълим ва умумий ўрта таълимнинг бошланғич 1-4 синфларида, учинчи босқичда эса умумий ўрта таълимнинг 4—9-синфларида тарбияланиб, таълим олади. Кейинги босқич эса олий ва ўрта махсус таълим тизимида давом этади. Келинг, яхшиси шу ерда уч босқичда кечаётган таълим жараёни ва болаларнинг фикрлари билан танишиб чиқсак.

НЕГА ТАШЛАБ КЕТАСИЗ?

Бу жараёни ўрганиш мақсадида Юнусобод туманида жойлашган Тошкент шаҳар меҳрибонлик уйига йўл олдим. Йўлда меҳрибонлик уйини суриштириб кета туриб, қалтис бир вазиятга тушиб қолдим, яхшиси сизларга ҳам баён этай. Автобусда кетаётган икки онахондан меҳрибонлик уйи қаерда жойлашганини сўрадим. Улар истеъзоли бир қараб, жавоб беришнинг ўрнига савол билан мурожаат қилди: "Фарзанд тарбиялаб олмоқчимисиз ёки фарзандингизни кўргани боряпсизми?" Нима дейишни билмай секингина "йўқ" деб жавоб берган бўлдим, иккинчи онахон: "Ҳозирда бундай жойлардан тарбиялашга бола олиб бўлмайди" деб гап қистирди. Хуллас, бир акахонимиз гурунгимизни эшитиб турган экан, шекилли, мен излаётган манзилга етиб келганимни айтди. Бекатга тушар эканман, бутун вужудимни саволлар чулғаб олди. "Нега бундай уйлар очилган? Етим қолган болалар-ку, ноилж, нега бировлар ўз дилбандидан воз кечиб, уларни ташлаб кетади? Улар қандай ота-оналар?" Саволлар оғушида дарвозадан ҳатлаб ўтганимни сезмай қолибман.

— Бугун душанба, шанба кунни келинг, — деган товушни эшитиб, ҳаёлимдаги саволлардан холи бўлдим. Менга пешвоз чиққан аёл фарзандларини кўришга келганларнинг бири, деб ўйлабди. Мақсадимни билгача, кичкина бир хонага бошлаб кирди. Кўз ўнгимда бир ойлик чақалоқ мўлтираб ётарди. Уни нега ташлаб кетганининг сабабини сўрадим. Унинг онаси вафот этган экан. Сўнгра иккинчи хонага ўтдик. Унда бир ёшга тўлган бола-жонларнинг бир-бири билан ўйинчоқлар ўйнаётганлигини кўрдик. Бир-биридан ширин болаларни кўра экансиз, бехосдан булар ҳам ота-она барида улғайишга ҳақли эди-ку, деб юборасиз. Бу болаларга оналик қилаётган Замира Саъ-

дуллаевага мурожаат қилдим:

— Бу ерда неча нафар болалар бор?

— 55 нафар бола тарбияланмоқда.

— Уларнинг ота-оналари келиб турадилми?

— Кўпчилигидан ота-онаси воз кечган. Айримларининг оналари суд ҳукмини адо этапти. Баъзи болаларнинг оналари эса вафот этган.

Шундан сўнг бош шифокор Гули Аббосхонваннинг хонасига кирганимда, опа стол устида турган хатни менга узатди. Уни ўқиб чиқиш жараёнида, юрагимда бир талай саволлар галаён қила бошлади. Шу ўринда хатдан озроқ парча келтиришни лозим топдим:

"Озода жоним, катта қиз бўлиб юрибди —

ми? Алла опа, ёзган хатингизда 4-5 ёшларгача шу ерда бўлади, дебсиз. Кейин қаерга юборасиз?"

Озода жоним, мен сени жуда яхши кўраман. Кенжа-тойим, кўзичоғим, омон бўл. Сени соғинаман! Қанийди, тезроқ чиқсам-да, сени бир баримга боссам эди. Меҳрингга зор бўлиб онанг йиғлайди. Яна нима деб ёзайин? Сиздан илтимос, Озодани ҳаракатидан, янги қилиқларини ёзиб туринг. Сизларга соғлиқ ва омонлик тилаб қоламан, хатни синглингиз Сайёрадан деб билгайсиз".

Хатда озроқ ғализлик бўлса, айб бизда эмас. Бу бир онанинг юрагидан таҳрирсиз отилиб чиққан нидодир. Ундан тегишли хулоса чиқариш ўзингизга ҳавола.

СЕН, ЕТИМ ЭМАССАН!

Иккинчи босқични, яъни 3 ёшдан 9 ёшгача бўлган тарбияланувчиларнинг бугунги кунини ўрганиш мақсадида Собир Раҳимов туманидаги 24-меҳрибонлик уйига бордим. Бу ерда байрамона кайфият кезиб юрганини кўриб, озгина таскин топдим. Чунки янги йил муносабати билан болаларга совға-салом тарқатилиб, уларга ош тартилатган экан.

Бундай савобли иш Чилонзор туманидаги "Ялпиз" масъулияти чекланган жамияти томонидан ўтказилаётган экан.

Ўзингиз биласиз, бизнинг халқимиз жуда болажон, — деди ушбу жамият директори Х.Синдорова.

— Ўзи емаса, емайдики, боласига едиради. Лекин, шולי курмасиз бўлмас экан. Бемехр ота-оналар ҳам учраб туради. Яхшики давлатимиз қаровсиз қолган болаларга бефарқ эмас. Ташлаб кетилган болаларга давлат таълим стандартларига мос ҳолда таълим-тарбия берамиз. Яна бир нарса борки, бизнинг юртдошларимиз ўзидан озгина орттирса, шундай меҳрга зор болаларга мурувват қўлини чўзади. Биз ҳам уларнинг кўнглига кириб, етим эканлигини бир фурсат бўлса ҳам унутармикан, деган мақсадда ташриф буюргандик.

Ҳозирда бу ерда 155 нафар бола таълим ва тарбия олмоқда. Уларни кузатар эканман, бир чеккада жимгина ўтирган қизчага кўзим тушди.

— Исмнинг нима? — сўрадим ундан.

— Элмира.

— Фамилиянг-чи?

— Галимова.

— Неча ёшдасан?

— Ўн бир ёшда, — дея кўзига ёш олди қизча. Йиғи сабабини тарбиячи Нигора Ақромова изоҳлаб, Элмиранинг келга-

нига уч кун бўлганини айтди.

— Бу ер сенга ёқаяптими? — яна сўрадим Элмирадани.

— Ҳа, лекин уйда яшасам яхши эди.

— Нега?

— Чунки ҳар кунни онам ва адами кўриб турардим. Улар мен уларни яхши кўраман. Мен улар билан яшасам дейман.

— Сени бу ерга нега ташлаб кетишди?

— Ойим билан адам ичкиликка берилиб кетишган. Менга ёшлигимдан катта бувим қарарди. Энди бўлса бувим ҳам мени боқишга қийналиб қолди. Кейин шу ерга ташлаб кетишди.

Сухбатимиздан шу нарсага амин бўлдимки, бундай болаларга қанчалик мурувват кўрсатмайлик, барибир, уларни дунёга келтирган кишиларнинг меҳри бўлакча экан.

ҚАНДАЙ БОЛАЛАР ТАРБИЯЛАНМОҚДА?

Ростини айтганда, мавзуни ўрганар эканман, бу болажонларни кўриб, нима деб таскин бериш мумкин, деган саволга ҳеч ҳам жавоб тополмадим. Эндиги босқич 9 ёшдан 15 ёшгача тарбияланадиган меҳрибонлик уйига тааллуқли. Улар аллақачон ўзларини англаган, жа-миятда ўз ўрнига эга бўлишга ҳаракат қилаётган ўсмирлар. Хуллас, Юнусобод туманидаги 21-меҳрибонлик уйига келдим. Бу ерда 230 нафар бола тарбияланмоқда. Бир гуруҳ болалар билан сухбатлашдим.

Ўсмирларнинг фикрлаш қобилиятлари жуда яхши. Айниқса, улар бугунги ҳаёт билан

ҳамнафас яшаётганлиги эътиборга молик. Шундан сўнг бу ерда 40 йилдан бунён меҳнат қилаётган тарбиячи Ҳамида Аҳмедовага мурожаат қилдим.

— Айтинг-чи, шу кунларда бу ерда қандай болалар тарбияланмоқда?

— Асосан ота-онаси тирик болалар кўпчиликни ташкил этади. Улар ҳаётни фақат ичкиликбозлик ва ишратчиликдан ташкил топган, деб ўйлайдиган ота-оналардир. Айрим оилавий аҳволи оғирлари ҳам бор. Лекин чин етимлар камроқ. Бу ерда асосан бошқа миллат вакиллари кўпчиликни ташкил этади. Лекин афсуски, миллатимиз урфига ёт бўлган бу иллатни ҳозирда кўпгина миллатдошларимизнинг ҳаётида ҳам кузатиш мумкин.

Энг ачинарлиси шуки, бу ердаги барча болалар ота-онасига талпиниб яшайди. Озгина ҳаёт маишатларини афзал кўраётган ота-оналар қариллик даврини ҳам бир ёдга олиб қўйса, яхши бўларди. Хуллас, туққан эмас, боққан она, деб бежиз айтилмаган экан. Кимдир бир умр ўзининг туққан онасининг суратини, сийратини кўришга орзуманд яшаса, кимдир аксинча экан. Яна кимлар ўз фарзандидан воз кечса, кимдир "тирноққа зор" яшаркан. Айрим кишилар ҳаёт тақозоси туфайли фарзандини меҳрибонлик уйларида топширар экан. Яхшики, шундай меҳр-мурувват масканлари, қаровсиз қолган болаларга давлатимизнинг доимий ғам-ўрлиги бор. Бундай болалар ҳеч қачон кўчада қолиб кетмайди. Фақат... Фақат, вақти келиб, болаларидан воз кечган, бераҳм ота-оналар (уларни ота-она дейишга ҳам тил бормайди) ўз қилмишларидан пушаймон бўлармиканлар? Фикримча, пушаймон бўлишса керак... Ахир қариллик даврида кимлар ҳақида ўйлайди одамзот?

Ҳаёт дегани нақадар мураккаб экан-а. Ҳаётнинг мураккаб, тушуниб бўлмас чигалликдан таркиб топганлигини ёш журналист ва қолаверса инсон сифатида дилдан ҳис қилдим.

Шерзод АҲМАТОВ,
"Маърифат" муҳбири

Санъаткорликни энг азиз касблардан бири — муаллимлик билан бирга олиб бораётган инсонлар юртимизда кўп. Бугунги меҳмонимиз шундай ўқитувчи-устоз санъаткорлардан бири Алижон Эркаев. У 1933 йили Фарғона вилояти, Олтиариқ туманида тугилган. Тошкент Давлат чет тиллар институти (ҳозирги Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети) немис тили факультетида таҳсил олган. Фалсафа фанлари номзоди, доцент. Айни дамда Тошкент Давлат маданият институтида талабаларга сабоқ бермоқда.

Меҳмонхона



Бугунги кунда Тошкент Давлат маданият институтида, социология кафедрасида ишляпман. Талабаларга миллий менталитет ва ижод социологияси фанларидан дарс бераман. Ушбу фанлар фақат бизнинг институтида ва ЎЗМУда ўқитилади. Дастурини ўзим тузганман. Маданиятга, эстетикага оид «Миллий маданиятлар яқинлашиши ва унинг инсонлар эстетик эҳтиёжига ва дидига таъсири», «Маданиятимиз равнақи», «Санъатимизнинг мазмуни» каби бир неча китоб ва рисоаларим чоп этилган. Ҳамон изланишдаман. Аммо-

— Дастлаб анъанавий саволимиз: биринчи муаллимнинг, устозларнингизни қандай хотирлайсиз?

— Олтиариқ тумани, Повулгон қишлоғидаги 15-мактабга 1-синфга 1941 йили борганман. Биринчи муаллимим Олим ака деган киши эдилар, фамилиялари ёдидан кўтарилибди. Ёйи узундан келган, адолатли, меҳрибон, ўзига мафтун қилиб оладиган ўқитувчи эди Олим ака. Чехралари, дарс ўтишлари ҳамон ёдидан турибди.

Юқори синфларда туман марказидаги Пушкин номидаги мактабда ўқиганман. У ердаги устозларимиздан мактаб директори — Аҳмедова фамилияли муаллима опа хотирамда қолган. Опа истеъдодли болаларни жуда ёқтирар, ҳурмат қилар эди. Байрам сайилларида ашула айтардим, шу сабаб менга ўзгача муносабатда бўлар эди. Умуман, водийликлар, айниқса олтиариқликларнинг санъатга, санъаткорларга меҳрлари бўлақча. Шу сабабими Олтиаригимиздан кўплаб эл суйган санъаткорлар етишиб чиққан, чиқмоқда. Бунда устоз-муаллимларнинг ҳам ҳиссалари катта деб ўйлайман.

— Санъатга қизиқшингиз қачондан пайдо бўлган?

— 1946 йил эди чамамда, онам касал бўлиб ётгандилар. Ҳовлида оташқуракни чертиб, ўзимча ашула айтдим. Қайси ашула эканлиги ёдидан йўқ, лекин мунгли, оғир кўшиқ эди. Ашула оҳанги аямга ёқиб, Ҳамиджон акамни чақириб, «Ашула қилаётган ким», деб сўрабдилар. Мен эканлигимни билиб, ёнларига чақирдилар-да: «Болам, яхшигина овозинг бор экан. Уни эъозла, тарбияла, халққа хизмат қилгин илойим», — дедилар.

Демоқчиманки, ашула айтишга болалигимдан қизиқаман. Бадиётга қизиқшимга ота-онам сабабчи бўлганлар. Онам маҳалла хотин-қизларини йиғиб, ўқитган. Кейинчалик суриш тирсам, тоғам ашула айтган экан. Ўзи хўжалик раиси, бригадир бўлиб ишлаган эса-да, санъатга мойиллиги бор экан-да. Хуллас, санъаткор осмондан тушмайди. Оллоҳ берган истеъдоддан ташқари оилавий муҳит, яқинларнинг муносабатлари, қўллаб-қувватлашлари ҳам муҳим ўринга эга.

— Ўқувчилик йилла-

рингизни эслаш мароқли бўлса керак?

— Албатта. У даврларни эслаш барча учун мароқли. Чунки, ҳаммамиз бола бўлганмиз. Болаликни хотирлаш бизни тарбиялайди. Мактабда яхши ўқир эдим. Айниқса, юқорида айтганимдек, байрамларда ашула айтиш, уларга узоқ вақт тайёргарлик кўриш — барчаси завқли онлар эди. Туман, вилоят олимпиадаларида голиб чиққанман. Эсимда, 7-синфда ўқиётганимизда туманимизга Маъмуржон ака-

“КўЛИ, АҚЛИ ВА ҲИС-ТУЙҒУСИ БИЛАН ИШЛАЁТГАН ИНСОН САНЪАТКОРДИР”

лар, Жўрахон акалар гастролга бориб, концерт кўйган эдилар. Бу — менинг ҳаётимда ўчмас из қолдирган. Санъаткор бўлишга ҳавасим шундан сўнг янада қатъийлашиб, мақсадга айланган.

Мақтабни тугатгач, тақдир тақозоси билан Тошкент чет тиллар институтининг немис тили факультетига ўқишга кирдим. Санъат йўлида изланишни ҳам давом эттирдим. Талабалик йилларимизда ҳар йили ашула байрамлари бўларди. Голиб чиқиб, фахрий ёрликларга сазовор бўлганман.

— Санъаткор бўлиш билан бирга олим, ўқитувчи-устоз ҳамсиз...

— Институти имтиёзли диплом билан тугатганман. 1956 йили ўқишни битиргач, Фарғонага қайтиб бориб, вилоят халқ таълими бошқармасига инспектор бўлиб ишга кирдим. Шу билан бирга Улуғбек номидаги Фарғона педагогика институтида (ҳозирги Фарғона Давлат университети) немис тилидан дарс бера бошладим. 1961 йили Тошкентга яна қайтиб келдим. ЎзПФИТИда лаборатория мудир бўлиб ишлай бошладим. Илм қилишга қизиқишим зўр эди. Шу сабаб, 1966 йилдан Низомий номидаги Тошкент Давлат Педагогика институти (ҳозирги ТДПУ)да аспирантурада ўқий бошладим. Ва ниҳоят, 1969 йили фалсафа фанлари номзоди илмий даражасига эришдим. 1976 йилдан бери доцентман.

лекин, санъатдан ҳам бирон кун бўлсин четлашганим йўқ. Ўзбекистон радиоси фонотекасида 26 та, телевидениеда 10 та кўшигим, 2 та 10 донадан кўшиқ ёзилган катта, 10 та оддий пластинкаларим чиққан. Ижод қилишдан тўхтаганим йўқ.

— Сизни ўқитувчи-олим сифатида кўпроқ танишадими ёки санъаткор сифатида? Икковидан бирини танлашга тўғри келса, қайси йўлни тутган бўлар эдингиз?

— Ҳар иккаласи ҳам муҳим. Ҳар икковининг ҳам ҳаётимда тақдорланмас ўрни бор. Лекин санъаткор сифатида кўпроқ танишди. Кўшиқ ҳаётимда катта роль ўйнайди. Бир мисол келтираман.

1966 йили катта бир йиғинда ашула айтдим. Унда юртимизнинг кўзга кўринган зиёлилари иштирок этган эди. Атойи ғазали билан айтилаётган «Жамолинг васфи» кўшигини ижро этганимда, барчага маъқул келди. Кўшиқда шундай байт бор:

**Жамолинг равзаи боги
жинондур,
Лабинг сарчашмаи
рухи равондур.**

Ашула тугагач, машҳур олим Ҳамид Сулаймон олдимга келиб, табриклади ҳамда айтган кўшигининг маъносини биласанми, деб юқоридаги байтни изоҳлаб беришимни сўради. Айтдим: «Сенинг жамолинг жаннат боғининг дарвозаси, лабинг эса тиниқ руҳ сарчашмаси,

булогидир». Ажойиб таъриф, сўз санъатининг гаройиб намунаси. Шундан сўнг Ҳамид Сулаймон мени аспирантурада ўқишга, ўзига шогирдликка таклиф қилди. Илгарироқ педагогика институти ректори Шопўлат Абдуллаев билан бу масалада келишиб кўйган эдик. Иккаласи мени «талашиб» қолишди, «бахс»да Ш.Абдуллаев голиб чиқди.

Илм йўли — машаққатли ҳам шарафли йўл. Санъат бу йўлда кўмақдош бўлса бўладики, бошқа эмас.

— Қайси кўшиқларингиз ўзингизга кўпроқ ёқади, севиб ижро этасиз?

— «Жамолинг васфи» (Атойи), «Фарзона» (Ҳабибий), «Менинг тилагим» (Ғайратий), «Айлансин» (Огаҳий), «Сенинг кундай жамолинг» (Лохутий), «Ўзалим» (Ж.Жабборов). Мени халқ орасида машҳур қилган ашула эса Ҳайдар Муҳаммад шеъри билан айтилаётган «Дилбаримсан» ҳисобланади. Кейин, мақомлардан Завқий ғазали билан айтилаётган «Гиря» ни ниҳоятда севиб кўйлайман. Уни кўпчилик айтган.

Замонавий эстрадага миллий колоритни омухта қилиб, қойилмақом қилиб кўйлаган Ботир Зокировни севиб тинглайман. Бир қанча хонандаларимиз жўрлигида ижро этилган «Мен нечун севаман Ўзбекистонни» кўшиғи ҳам яхши кўшиқлардан бири.

Баъзи ёшларимиз бор — на шеър, на куйга жиддий эътибор беришади. Оврўпо, ҳинд, турк оҳангларини ўзлаштириб олишади. Бу яхши эмас. Кўшиқчи сифатида Ватан, халқ олдидаги масъулиятни ҳис қилиш лозим. Миллатимизнинг ўзига хос оҳанглари бор, мисол учун мақомларимиз — катта бойлигимиздир. Қолаверса, халқ кўшиқлари — туганмас хазина. Ўзбек адабиёти ҳам бетакрор шеър у оғзаларга бой.

Кўшиқчи, энг аввало, шеър танлай олиши керак. Маъноли, тарбиявий аҳамиятга молик шеър. Кейин шунга лойиқ куй топиш лозим. Шеър ва куй ўртасида уйғунлик бўлиши шарт. Мақом бўладими, халқ куйи бўладими, яратилган куй бўладими — у шеър маъносини акс эттирсин. Кейин шу кўшиқ характерига овоз мос келадими-йўқми — ҳофиз шуни англаши керак.

Дилимда бир гап бор. «Санъаткор» бошқа, «артист» бошқа. Ҳамма ҳам санъаткор номини сақлаб қола олмайди. Агар инсон кўли билан ишласа — ишчи. Агар инсон кўли ва акли билан иш қилса — бу уста дегани. Агар инсон кўли, акли ва ҳис-туйғуси билан ишласа — бу санъаткор. Мақом кўйлаётганимда образ шундай кўз олдимда туради. Ҳар бир чиқишимда ҳис-ҳаяжонда бўламан.

— Шогирдларингиз ҳам борми?

— Ҳа. Озми-кўпми биланларимни уларга ўргатаман. Улардан Эркин Эгамов Бағдод туманида яшайди, мактабда математикадан дарс беради. Солижон Хотамов — Фарғона политехника институтида доцент, ҳам чиройли ашула айтади. Дилшод Шометов — Қибрай тумани маданият бўлими қошидаги клубда ишлайди. Яна ўзим ишлаётган Маданият институтида ҳам уч-тўрт талабага кўшиқ сирларини ўргатайман. Жуда яхши овозлари бор.

— Айни кунларда қандай ижодий режалар билан яшасиз?

— Янги кўшиқлар устида ишляпман. Шулардан Эркин Воҳидов ғазали билан «Мен севарман, нетай», Туроб Ниёз шеъри билан «Чин бўлса севганларинг» ашуларим тайёр бўлиб қолди.

— Суҳбатимизни ўқиганларга тилақларингиз?

— Икки соҳада ижод қилувчи ижодкор сифатида ҳам ўқитувчилар, ҳам санъаткорлар, барча юртдошларимга сихат-саломатлик, янги-янги муваффақиятлар тилайман. Ишдан, ижоддан, яратувчанликдан асло ҳоришмасин.

— Самимий суҳбатингиз учун ташаккур.

Хусан НИШОНОВ
суҳбатлашди.

ВАТАН ТАРИХИДАН ҲИКОЯЛАР

ЎЗБЕКИСТОН
ДАВЛАТЧИЛИГИ
ТАРИХИ
ОЧЕРКЛАРИ

Дунёда буй-бастини мағрур намоён қилаётган Ўзбекистон замини ниҳоятда бой. Тарихда унга кўз тикканлар қанчалаб ўтган. Бироқ, ҳеч қайсиси мақсадига тўла эришолмаган. Чунки, ушбу заминда вақти келганда ярим дунёни титратган давлатлар вужудга келган. Ўзбекистон давлатчилиги тарихи унинг замини сингари бой ва сермазмун.

Ўтган асрнинг 90-йилларида давлатчилигимиз тарихи сифат жиҳатдан янги поғонага кўтарилган ҳолда ўрганила бошланди. Тарихчилар, манбашунослар, археологлар, санъатшунослар ва ижтимоий-гуманитар фанларнинг бошқа вакиллари ҳамкорликда тадқиқотларга киришдилар. Яқинда нашрдан чиққан "Ўзбекистон давлатчилиги тарихи

очерклари" китоби ушбу кенг кўламли тадқиқотларнинг бошлангидан бир далолат бўлиб, ҳали бу соҳада кўплаб китоблар, монографиялар яратилиши, шубҳасиз.

"Ўзбекистон давлатчилиги тарихи очерклари" тўрт бўлимдан иборат. Биринчи бўлим "Қадимги даврда Ўзбекистон давлатчилиги" деб номланган бўлиб, унда Қадимги Бактрия подшолиги, Катта Хоразм, Кангуй давлати, Давань — қадимги Фарғона давлати ҳақида сўз юритилган. Иккинчи бўлим "Ўрта асрларда Ўзбекистон давлатчилигининг ривожланиши" деб номланган. Ушбу бўлимда Турк хоқонлиги, Ҳазнавийлар давлати, Қорохонийлар давлати, Амир Темур давлати тарихидан ўзига хос очерклар берилган. Учинчи бўлим — "XVI-XIX асрнинг биринчи ярмида Ўзбекистон давлатлари". Китобнинг ушбу қисмида Бухоро амирлиги, Хива хонлиги, Қўқон хонлиги, хонликлардаги давлатчилик аъёнлари ва уларнинг ривожланиши ҳақида сўз боради.

"Ўзбекистон давлатчилиги тарихи

нинг янги босқичида" деб номланган бўлимда эса Ўзбекистоннинг Россия империяси таркибид бўлган даври, жадидчилик ҳаракати ва унинг ижтимоий-сиёсий моҳияти, Туркистон Мухторияти, Бухоро ва Хоразм Халқ Республикалари, Туркистонда совет давлатчилигининг қарор топиши ва унинг оқибатлари ҳақида ҳикоя қилинган.

Мазкур монография фактик, манбавий ва археологик материалларга асосланиб яратилгани билан ўзгача қимматга эга. Она заминида маълум ютуқларга эришилган. Энг муҳими — ушбу китоб бу борадаги кейинги тадқиқотларга тамал вазифасини ўташи билан ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Ш.НИШОНОВ



Мамлакатимизда таълим тизимида олиб борилаётган ишлар бизни қувонтиради. Юқорида айтганимиздек, бу олижаноб меҳнатлар келажакда эркин шахснинг шаклланишига, ўзининг қадриқимматини англайдиган, иродаси бақувват, имони бутун, ҳаётда аниқ мақсадга эга бўлган инсонларни тарбиялашга олиб келади. Турган гапки, келажак ворислари ўз ақллари, тафаккурлари, ўз масъули-

илмий даражага эга. Шунингдек, университетнинг етуқ олимлари ҳам машғулотларда мунтазам иштирок этиб келишмоқда. Лицей битирувчиларининг асосий қисми иқтисодиёт ўқув юрларида таҳсилни давом эттираётганликлари ҳам қувонарли ҳолдир.

Лицей мураббийлари ҳам ёшлар тарбиясига қаратилган қатор илмий изланишлар олиб бораптилар. Тарих фан-

МУРАББИЙЛАРНИНГ ИЗЛАНИШЛАРИ

Бугундан унумли фойдаланган албатта эртага муваффақиятга эришади. Бу шунчаки гап эмас, балки йиллар ва асрлар синовидан ўтган, ўтмишнинг энг яхши тажрибаларидан келиб чиққан ҳақиқатдир. Зеро, улғун аждодларимиз бениҳоя катта тарбия ва таҳсил туфайлигина буюкликка эришдилар.

ятлари билан онгли тарзда озода ва ҳур фикрли инсон сифатида ҳаёт кечирадилар. Онгли турмуш жамият ҳаётининг бош мезонига айланади.

Тошкент Давлат иқтисодиёт университети қошида фаолият кўрсатаётган Чилонзор академик лицейи ҳам ана шундай замонавий ўқув масканларидан биридир. Бу ерда 500 дан ортиқ йигит-қизлар таълим олишмоқда. Кўп йиллик тажрибага эга бўлган 86 нафар ўқитувчилар жамоаси уларга мураббийлик қилишмоқда. Уларнинг кўпчилиги

лари доктори, профессор Худойқул Тўраевнинг "Истиқлол — иқбол чироғи", ("Меҳнат" — 1999) ва "Истеъдодли ёшлар — келажакимиз эгалари" ("Шарқ" нашриёт-матбаа концерни, 2001) асарлари бунга мисол бўла олади. Бу китобларда ёшлар тарбияси, жамият ва инсон мавзуларига кенг ўрин берилган, мустақиллик йилларида етуқ билим ва лаёқатга эга бўлган мутахассислар тайёрлаш тажрибаси атрофлича таҳлил этилган.

Тўлқин ҲАЙИТ

СОҲА ЖУРНАЛИДА ЯНГИ МАЪЛУМОТЛАР

Бирон соҳада амалга оширилаётган ислохотлар, энг аввало, ўша соҳа нашрларида кенг ёритиб борилади. Ўзбекистонда таълим соҳасида амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар, янгиликларни ёритиб, тарғиб қилиб бораётган соҳа нашрлари ичига "Халқ таълими" журналининг ўз ўрни бор. Журналнинг 2001 йилги охириги, 6-сонини нашрдан чиқди.



Ҳар галгидек, ушбу сонда ҳам халқ таълими соҳасига рўй бераётган ўзгаришлар, таълим фидойилари томонидан яратилаётган янгиликлар, турфа фикрлар, мулоҳаза ва тақлифлар акс этган мақолалар журналнинг асосий саҳифаларидан жой олган. Бунини эълон қилган материаллар сарлавҳалари кўрсатиб турибди: "Таълимда миллий истиқлол ғояси", "Таълимни бошқариш моделлари", "Урф-одатлар — тарбия воситаси", "Жонли мушоҳада — пухта билим асоси", "Физика таълимида системали таълимлар", "Мунтазам кўпбурчаклар юзини топиш", "Ҳизматчиликда тасвирларни алмаштириш", "Ўқувчилар билимини текширишда инновацион технологиялар"...

Хуллас, журналнинг ушбу сони ҳам соҳа ходимлари ва барча қизиқувчилар учун кўплаб янги маълумотларни тақдим этган.



Олмон-ўзбек адабий алоқаларида бир тилдан иккинчи тилга таржима жараёнининг бошлангидан ҳам анча вақт булди. Бу борада ҳозирда эртақлар таржимасининг ўрни салмоқли бўлмоқда. Гап эртақлар таржимаси ҳақида борар экан, кўпчилик ўзбек китобхонлари 2001 йилда "Чулпон" нашриётида чоп этилган "Ака-ука Гриммлар эртақлари"ни куз олдида келтиради.

Айтиш керакки, ушбу тўпламга кирган турли номдаги эртақлар ўзбек китобхонларига аввалдан ҳам қисман таниш. Аммо бу тўпламдаги эртақларнинг аксарияти ўзбек тилига илк бор асл нусха тили — олмончадан уғрилган. Ушбу эртақлар уларнинг хусусияти, услуби жиҳатидан бадиий эртақлардан тубдан фарқ қилади.

Хуррам Рахимов олмон халқ эртақлари поэтикаси ва услуби-

"САМАРҚАНД ЭРТАҚЛАРИ" ОЛМОН ТИЛИДА

ни мукамал билганлиги учун ҳам, у томонидан Музеус, Бехштайн ва ака-ука Гриммларнинг эртақлари она тилимизга бевосита таржима қилинган.

Эндиликда ўзбек тилидан олмон тилига бевосита таржима қилиш ишлари ҳам жадал бормоқда. Сунгги йилларда ўзбек халқ эртақларининг олмон тилига уғриллаётганини ҳам алоҳида таъкиллаб ўтиш керак.

Яқинда Х.Рахимовнинг изланишлари натижасида "Самарқанд эртақлари" (Märchen aus Samarkand) номли китоб Олмониянинг "Maieri stein" (Майнштайн) нашриётида 20000 нусхада чоп этилди. Ушбу китобнинг

яратилишида олмониялик фольклоршунос олима Габриелле Келлернинг ҳам хизмати бор. Вилоятларда булган пайтларда олима ота-боболаримиздан, эртақчи момоларимиздан эртақлар туплаб уларни магнит тасмасига жо қилиб борган.

Ушбу эртақларни ўзбек тилидан олмон тилига бевосита таржима қилиш ва шарҳлашда Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети чет тиллар факультети декани, доцент Х.Рахимовнинг хизматларини алоҳида таъкиллаш зарур.

Китобнинг "Самарқанд эртақлари" деб номланишига сабаб аксар эртақлар Самарқанд вилоятида яшовчи эртақчи момола-



римиз-боболаримиз тилидан ёзиб олинганлигидир. Ушбу китоб кенг китобхонлар оmmasига, олмон тилига қизиқувчилар, таржимонлар, муаллимлар ва талабаларга мулжалланган.

Элмирза ЭРКАЕВ,
Низомий номидаги
ТДПУ аспиранти

«МУСИҚА» ДАРСЛИГИ ЧОП ЭТИЛДИ

Умумтаълим мактабларининг 2,3,5,6,7-синфлари учун "Муסיқа" дарсликларининг чоп этилиши мактаб ўқитувчилари ва ўқувчилари кўнглига оро кирди, десак муболаға бўлмас. Чунки мактаблар муסיқа бўйича шу пайтга қадар дарсликларга ёлчиган эмас эди.

Дарсликларнинг тайёрланиши ўз мазмуни билан ижодий иш бўлди. Х.Нурматов, Н.Норхўжаев, А.Миррахимовлар муаллифлигида тайёрланган 2-ва 3-синф "Муסיқа" дарслигининг афзаллик томони шундаки, муаллифлар дастур қолипиде чегараланиб қолмасдан, мавзуларга ижодий ёндашганлар. Асарлар танлашда дастурдан ташқари кўплаб янги кўшиқларни излаб топиб, энг мосларини дарсликка киритганлар.

Мазкур "Муסיқа" дарсликлари янги дастур асосида яратилган бўлиб, илмий жиҳатдан пухта асосга эга. Замонавий услуб ва воситалар ҳақида болага мос маълумотлар бор. Ўзбек халқ куйи ва кўшиқларига кенг ўрин берилган. Истиқлолни куйловчи, Ватанни мадҳ этувчи, табиат, ҳайвонот дунёси, катталарга ҳурмат, дўстлик, ўртоқлик мавзуидаги бир талай янги кўшиқлар борки, дарслик мустақиллик йилларида вужудга келган кўплаб янги кўшиқлардан ўқувчиларни бахраманд этади. Кўшиқлар ноталари билан берилган. Ўқувчилар ўзбек бастакорларининг ҳаёти ва ижоди билан танишадилар. Чолғу асбобларидан най, дутор, рубоб, гижжак, чанг, ноғора, доира кабилар рангли суратларда берилган. Дарсликларнинг яна бир ижодий томони шундаки, уларда узвийлик сақланган.

А.Мансуров, Д.Каримовалар томонидан ёзилган 5-синф "Муסיқа" дарслигининг биринчи навбатдаги ютуғи, унинг бола-

ларга мос содда ва раvon тилда ёзилганлигидир. Ҳар бир мавзуда унинг тарихидан қисқача маълумотлар келтирилган.

Муסיқа тинглаш бўлимида алоҳида аудио ва видео кассеталарининг берилиши қувончли ҳолдир. Бу ўқитувчига қулайлик яратади. Мазкур дарсликда миллий муסיқа асбоблари билан биргаликда ўқувчилар хорижий мамлакатлар муסיқа санъати билан ҳам танишадилар.

С.Бегматов, Қ.Маъмиров ва бошқалар томонидан ёзилган 6-синфлар учун "Муסיқа" дарслиги бугунги кун талабларига мос. Юқорида айтганимиздек, узлуксизлик ҳисобга олинган. Дарс мавзулари аниқ тақсимланиб, чорак ва соатлари бўлиб кўрсатилган.

О.Иброҳимов, Ж.Садиров томонидан 7-синф "Муסיқа" дарслиги янги муסיқа маданияти дастури асосида яратилган. Муסיқа тинглаш, жамоа бўлиб куйлаш ва саводхонлик бўйича берилган мавзулар ранг-баранг. Бу мавзулар замирида миллий кадриятларимизни урф-одатларимизни кадрлаш ётади.

Нашриётимизда чоп этилган "Муסיқа" дарсликлари ўқувчиларга нафақат муסיқий таълим беради, балки уларда ахлоқий-эстетик сифатларни ҳам шакллантиради.

2002 йилда 1-синфлар учун "Муסיқа алифбоси" чоп этилади. Муаллиф Х.Нурматов ва бошқаларнинг илк босқич учун тайёрланган дарсликлари янги ўқув йилига қадар китоб ҳолига келади.

Bu sizning kitobingiz: o'qing, o'rganing, asrang, avaylang!

Назира Жўраева,
Фафур Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти
бош муҳаррири

Moziy

Тарих манбаларидан маълумки, Амир Темур набиралари Мухаммад Султон (Жаҳонгирнинг ўғли) ва Улуғбекни (Шохрухнинг ўғли) жуда ҳам яхши кўрган. Уларнинг тарбияси ҳамда билим олишлари учун ўша даврнинг кўзга кўринган таниқли олимларини жалб қилган. Айниқса Мухаммад Султонга ўзгача меҳр кўзи билан қараган, чунки у ўзи каби саркардалик санъатини доимо жойига қўйиб, бобоси ўйлагандек барча мураккаб муаммо ва ишларни бекаму кўст бажарар эди. Лекин у 19 ёшида, 1403 йили фожеали ҳалок бўлди.

Амир Темур Мухаммад Султон хотирасини абадийлаштириш мақсадида мақбара қуриш ҳақида фармон беради. Ўша кунлардаги барча воқеаларнинг шохиди бўлган Испаниянинг Амир Темур давлатида 1403-1406 йиллари элчиси бўлиб, доимо Амир Темур саройида яшаб, у билан яқиндан суҳбатдош бўлган Рюи Гонсалес де Клавихо ўзининг "Самарқанддаги Амир Темур саройига саёҳат кундалиги" деган машхур асариде воқеликни шундай ифодалайди: "Мухаммад Султон турклар билан бўлган жангда фаол қатнашиб, бобосининг галаба қилишига улкан ҳисса қўшган. Уруш тамом бўлгандан кейин у тўсатдан касал бўлиб, Туркияда вафот этди. Амир Темур набираси жасадини Самарқандга олиб келиб, тезлик билан унга мақбара қуришга фармон берди. 1403 йилнинг 30 октябрь пайшанба кунини Амир Темур ўрдадан шахар тарафга йўл олиб, набираси учун қурилган мақбарани бориб кўрди. Мақбара Мухаммад Султон мадрасаси ёнига қурилган эди. Мақбара тўртбурчакли шаклда жуда баланд бўлиб, ичи, ташқариси, бетакрор олтин, ҳаворанг бўёқлар, шишалар, чирой-

ли кошнлар мажмуаси билан инсонни лол қолдирадиган даражада безатилган эди. Лекин Амир Темурга мақбаранинг шакли, кўриниши ёқмади. У бу қурилган мақбарани бузиб, ўн кун ичида янгидан мақбара қуришга фармон берди ва 10 кун ичида ўзи икки марта келиб, қурилиш боришини назорат қилиб, керакли қўшимча топшириқларни берди.

1403 йил 10 ноябрь яқшанба кунини Мухаммад Султонга атаб қурилган мақбара битиб, жасадини мақбара ичига қўйдилар. Ўша кунининг хотирасига атаб катта худойи маросимини ўтказди. Шундай жозибали, кўркем ёдгорликнинг ўн кун ичида қуриб битказилиши ақлга

қабри устига Мирзо Улуғбек томонидан қўйилган ёдгорлик (нур таратиб турадиган, жамми, катталиги жиҳатидан жаҳонда ягона тўқ яшил рангли нефрит тоши) диққатга сазовордир. Улуғбек мўғулларга қарши юриш пайтида, 1425 йили бу тошни ташқаридан махсус арвалар қурдириб, Самарқандга олиб келган. Тош икки бўлакдан иборат бўлиб, усталар уни тарашлаб, силлиқлаб, бўлақларини бир-бирига мослаб ўрнаштириб, Амир Темур сағанаси устига қўйганлар. Нефрит тоши жуда қаттиқ материал бўлиб (олмосдан кейин туради), унга ишлов бериш, ёзув-чизув ишларини бажариш ҳаддан ташқари мушкул. Лекин ўша

олдини чиройли фасад билан боғлаган. Бу қўшилган бино деворлари асосийсига қараганда нозик ранг-баранг кошнлар билан безатилган. Мирзо Улуғбек қўшган бино олдидаги пештоқда уни қурган меъмор Мухаммад ибн Маҳмуд Исфохонийнинг номи ёзилган.

Амир Темур бобомиз мерослари узоқ йиллар топталиб, хўрланди. М.Е.Массоннинг ёзишча (М.Е.Массон — археолог олим, академик Г.А.Пугаченкованинг турмуш ўртоғи), ўғрилар Самарқанд шаҳридаги Улуғбек мадрасасидан 1901 йили қимматбаҳо тошни ўғирлаб, хорижга сотганлар.

1895-1897 йилларда Амир

Ҳозир у ҳам Эрмитаждадир. Унда "Жаҳонгир Амир Темур Кўрагонийнинг қабри, худо уни раҳматли қилсин ва абадий жаннатда бўлсин" деган ёзувлар бор. Амир Темурнинг 1391 йили Тўхтамиш устидан қозongan галабаси шарафига бағишлаб ёзилган тош ҳам Эрмитаждадир.

Амир Темур бобомиз бунёдкорлик ишларида ҳам юксак истеъдод соҳиби бўлган. Ҳар бир янги қурилаётган бино ёки мажмуанинг қурилиш жараёнини назорат қилиб, керакли маслаҳатлар берган. Шунинг учун ҳам ўша даврда қурилган турли хил иншоот ва биноларнинг кўпчилиги емирилмай, 600 йилдан бери яхши сақланиб келаётгани бунинг яққол далили бўла олади. Рюи Гонсалес де Клавихо ўзининг ўлмас асариде бу ишларни шундай таърифлайди: "Кўплаб Европа, Осиё шаҳарларини кўрганман. Лекин император Амир Темур қурдирган саройлар, қасрлар, мадрасалар ва бошқа биноларнинг меъморчилик кўринишининг ўзи ҳар қандай одамни лол қолдиради. Бу биноларнинг ичи ва ташқариси зарҳал ва ложувард билан қопланиб, кўп жойлари соф олтин ва бошқа гўзал ранглорда безатилган эди. Шунинг эслатиб ўтмоқчиманки, кўпчилик ҳамма йўллар Римга олиб боради дейишади, лекин улар хато қилишади. Менинг фикримча, барча йўллар фақат Самарқандга боради, холос".

Кўп юрларга турли сабаблар билан олиб кетилган тарихий ёдгорликларимизни қайтариш вақти келмадиммикин?

Илхом ШЕРМУХАММАД

«ГЎРИ АМИР» ТАРИХИДАН НОДИР ЛАВҲАЛАР

сигмасе ҳам, лекин Амир Темурнинг қудрати нимага қодир эканлигини амалда яққол исбот этган. Амир Темур вафотидан кейин, 1405 йили шу мақбарани дафн қилинган. Шунинг учун ушбу мақбара "Гўри Амир мақбараси" дейилади. Бу мақбарада Амир Темурнинг ўғиллари Шохрух ва Мироншоҳ, набираси Мирзо Улуғбек, унинг фарзандларининг сағаналари бор. Мақбаранинг жуда баландлиги, бетакрор безаклари, кошнларининг жилоси, нафислиги хорижий меҳмонлар ва сайёҳларни ҳайратга солиб, ўйлантириб, лол қолдиromoқда. Мақбаранинг ўртасига ўрнатилган сағана тошларда Темурийларга бағишланган ёзувлар бор. Шулар орасида Амир Темур

даврнинг усталари бу тошни силлиқлаб, устига: "Марҳаматли, меҳрибон, улуг Амир Темур Кўрагоний Амир Тарағай ўғли" деб жуда ҳам нафис ёзувларни ўйиб ёзганлар. Тарихчи Мирхондиннинг ёзишча, бу тошга Хитой хоқонлари камида юз минг динор соф олтин танга ҳамда давлатларидаги қимматбаҳо турли бойликларни беришга тайёр эканликларини маълум қилишганда, Улуғбек рози бўлмаган.

Мирзо Улуғбек Гўри Амир мақбарасига алоҳида аҳамият бериб, қўшимча қурилишлар қилиб, ўзгартиришлар киритган, яъни асосий саккиз қиррали мақбара биносига қўшимча бир неча ён бинолар қўшиб бирлаштирган ҳамда мажмуа

Темур мақбарасидаги кошнлар, безаклар, қадамалардан нусха кўчириб, махсус альбом қилиш мақсадида мақбаранинг фил суяғи билан қадама нақшланган асосий, ўта нодир иккала эшиги ҳам чиқарилиб, Эрмитажга жўнатилди. 1903 йили император Александр Шининг музейи учун Амир Темур мақбараси ойнасидан бир қисми кўпорилиб, Петербургга жўнатилди. 1904 йили ҳам ён томондаги жуда нафис ишланган, нодир кичик эшикларнинг ҳам бири чиқарилиб, Эрмитажга юборилди. 1905 йили эса мақбара пештоқидеги нафис ёзувли лавҳа ўғирланиб, Германияга сотилди ва бу лавҳа 1910 йили Россияга яна қайтарилди.

АХЛОҚИЙ МАДАББИРАТ АҚЕ ЭМБ АЖ МАБАНИМОТ

Сира унутмаслик керакки, машоъий-авлиёлар таълимоти ва киёфасида халқимизнинг ҳаёти, инсон ва ахлоқ ҳақидаги энг олий орзулари муҳассамлашгандир.

Шундай улуг аждодларимиздан бири Баҳоуддин Нақшбанд ижтимоий ҳаёт оғир бир шароитда бўлишига қарамай, халқи ва юрти олдидаги бурчини ватанпарварона масъулият билан англаган ҳолда, халқни жаҳолатдан маърифатга, лоқайдликдан фаоллик ва жасурликка, имон-этиқодга, эзгу гоёларга даъват этди. Шу йўлда бутун фаолияти, илмий салоҳияти ва истевдодини сарфлади.

Нақшбандий одобининг биринчи шarti — "Ул одобдурки, яхши ва ёмонга, улуг ва кичикка баҳо келтирур. Андоқки, барча халойиққа ўзларини кичик ва камроқ тутарлар ва барчага хизмат ҳузурда бўлурлар. Ҳаттоки, ўз фарзандларига, ходим ва мушлуқларига (қулларига) ҳар неча алардин беқоидалиқ (одобсизлик) кўрсатар, хукшунат билан (қўполлик билан) — аларга сўз демаслар, балки насихатни юмшоқ ва чучук тил била қилурлар, ҳаттоки ўғригача".

Баҳоуддин Нақшбанд дунёқарашида ахлоқий тарбия, ижобий фазилат, ахлоқий меъёрлар тўғрисидаги фикрлар муҳим ўринни эгаллайди. Инсон яхши фазилатларни сингдириши мумкинлигига ишонади ва шунга ундайди.

Ҳаёт жараёнида касб қилинадиган одоб-ахлоқ хусусиятларидан яна бири, дўстга муносабатда бўлиш, унга яхши эътибор қилиш, уни эъзозлашдир. Нақл қилишларича: Ҳазрати Хожамиз айтган эканлар: "Бир кунини бир девона мана бу байтни ўқирди:

Дунёдаги одамлар яхши кишиларни дўст тутадилар,

Агар сен ёмонни яхши кўролсанг, ўртадаги гинани олган бўласан".

Баҳоуддин Нақшбанд инсон хусусиятларини бири — туғма, иккинчиси эса ҳаётда шахсларга алоқа муносабатида пайдо бўладиган хусусиятлар, деб иккига бўлади. У туғма хусусиятларга инсонларнинг баъзи ақлий ва хулқий сифатларини, қобилиятларини киритади. Лекин Нақшбандия тариқатида бу туғма хусусиятлар, қобилият ва малакалар тан олинган бўлса ҳам, ҳаёт жараёнида касб қилинадиган одоб-ахлоқ хусусиятлари инсон камолоти учун энг муҳим ва ҳал қилувчи роль ўйнайди, деб ҳисобланади.

Айтар эдилар: "Авлиёларга халқ юкини кўтаришдан мақсад, уларнинг хулқини тозалашдир, токи халқ авлиё дилини тополсин. Бирорта валий йўқки, Оллоҳ унга назарини солмаётган бўлса, кимки бу дилни тополса, бу дил орқали унга Илоҳий файз етади".

Байт: "Мақсадга интилган киши, шояд бирорта дўст келиб қолса деб, Душманларга юзлаб дастурхон ёзади".

Баҳоуддин Нақшбанд ўз устозларининг бу ҳақидаги таълимотларига суянган ҳолда тарбия натижасида инсонга яхши фазилатларни сингдириш мумкинлигига ишонади ва уларни шунга ундайди.

Иккинчи шarti: сахийлик, юмшоқлик, бардош, тоқат, ризо (ўз бошига нима келса, Оллоҳдан кўриб, рози бўлиш), сабр ва азим риёзийет (Оллоҳ йўлида ҳар қандай азоб-уқубатни кўтаришга, машаққатлар тортишга ҳазирлик) — буларнинг ҳаммаси тариқат аҳлининг ахлоқий қоидаларидандир".

Баҳоуддин Нақшбанд айтар эдилар: "Сабрли фақирлар Оллоҳ билан ёнмаёндирлар, яъни унинг энг яқинларидирлар".

"Сабр ва чидамда ногора каби бўлмоқ

лозимки, у қанчалик шапалоқ емасин, бироқ ўз одатига хилоф овоз чиқармайди".

Ҳазрати Хожамизни биров кибрда айблади. "Бизнинг кибримиз Унинг (яъни Оллоҳнинг) Кибриётлигидан" дедилар.

Байт: Такаббурлик шамоли бошида бўлса-да, Эсиши Унинг (Оллоҳнинг) дамидан дир.

Нақшбандий таълимоти кишиларда меҳр-оқибат, самимийлик, ҳалоллик, ростгўйлик, сабр-қаноатнинг таркиб топишига йўллайди.

Иждокор маълум бир даврда жамият бағрида яшар экан, шу замоннинг кишилари билан кўз кўрмайдиган, аммо мустаҳкам иплар билан боғланган бўлади. Бу иплар уни шундай кишилар билан алоқада бўлишига, айримларини ёқтиришга, бошқаларини хуш кўрмасликка мажбур қилади. Ёқтириш, ёқтирмаслик эса иждокорнинг шахс сифатидаги характери га боғлиқ. Демак, иждокорнинг кишиларга — характерларга муносабатини таҳлил қилиш билан бирга, унинг индивидуал иждодий хусусиятларинигина эмас, балки маълум бир жамиятнинг вакили сифатидаги иждокорнинг ўз шахсий белгиларини ҳам аниқлаган бўламиз. Масалан: яхши ва ёмон, сахий ва бахил кишилар ҳақидаги қарашлари Нақшбандий шахсиятини очиб беришга хизмат қилади.

Айтар эдилар: "Ҳар кимнинг қобилият тухуми иختилофли суҳбатлар таъсири сифатида бузилган бўлса, бунинг (тузатиш) чораси қийиндир. Кибр оти ахмар ҳисобланадиган авлиёлар суҳбатидан ўзга нарса уни қайта тузатолмайди".

Баҳоуддин Нақшбанд "... юзларини баъзи дўстларга қаратиб шундай дедилар: "Бир донишманд дўстим бор эди, бир кунини унга: "Нима бўлди, нега суҳба-

тимизга кам келяпсан?" дедим. У эса: "Шариф суҳбатингизни ўз вужудим билан булғаб ифлос қилишни хоҳламайман", деди. Унга дедим: "Йўқ ахвол бундай эмас, кел, суҳбатимизни кўр". Уни уйим томон тортдим. Бир бўри итим бор эди, у билан суҳбат қураддим. Шунда у донишмандга дедим: "Бизнинг суҳбатдошимиз мана шу жонивордир, сизнинг хаёлингиздан келган нарсага қандай ўрин бор?"

Байт: "Жонингни ҳурмат қиладиган ва қадрингни танийдиган ит, Бунинг акси бўлган одамдан яхшироқдир".

Баҳоуддин Нақшбанд таълимотини ўрганар эканмиз, бу билан биз унинг XIV асрнинг ўрталарида Бухородаги ҳаётни синчиклаб кузатадиган, ҳар одамнинг хулқ-атворини яхши ўрганган, халқ билан яқиндан алоқада бўлган, унинг иссиқ-совуғидан хабардор шахс бўлганлигини билиб оламиз.

Талабнинг учинчи шarti — тавба ва ҳалол луқмадир.

Тавба — қайтиш демак, олий ахлоқий сифатларга қайтиш.

"Тавба — эшикларнинг эшиги" ҳам дейдилар, чунки тариқатга қадам қўйган одамнинг нияти ва моҳияти аввало шу тавбасида аёнлашади... Тавба: куфрдан қайтиш, шариат ман этган ёмон ишлардан қайтиш, "замима ахлоқдан ҳаммида ахлоққа қайтиш".

Баҳоуддин Нақшбанд нақл қилади-ларки: "Камолот ва нисор аҳлининг йўли шундай: бу йўлнинг чақалогини тариқат бешигига белайдилар ва тарбият кўкрагидан сут эмизадилар, шундай қилиб висол чегарасига етказадилар, сўнг бирор усул билан уларни ўзликдан қайтардилар, аҳадият (вахдат) саропардасига маҳрам қиладилар".

Каромат ҚИЛИЧЕВА


TENGDOSHLARDAY SAMIMIY SUHBATDOSH

Atoqli qoraqalpoq bolalar shoiri Xolmurot Saparov 1932 yilda Chimboy tumanida tug'ilgan. U 1956 yilda Qoraqalpoq Davlat Pedagogika institutini bitirdi. So'ng yoshlar gazetasida ishladi. She'rlari 50-yillarning boshidan e'lon qilina boshladi. «Nihol» (1959), «Yosh usta» (1961), «Ramiz» (1965), «Baxtli bolalik» (1966), «Oymo'maga qarayman» (1970), «Kunlarim» (1977), «Qushlar bilan suhbat» (1978) kabi bir qator she'riy to'plamlar, «Zamondoshim» (1960), «Muxbir» (1964), «O'g'lim bilan suhbat» (1971), «Fidoi bola» (1975) kabi dostonlar muallifidir. Xolmurot Saparovning she'riy to'plamlari rus va boshqa xalqlar tillarida, shu jumladan o'zbek tilida ham nashr etilgan.

Xolmurot Saparov O'zbekiston va Qoraqalpog'iston Hukumatining yorliqlari bilan mukofotlangan, Qoraqalpog'iston Respublikasida xizmat ko'rsatgan madaniyat xodimi va Berdaq mukofotining sovrindoridir.

Har qanday shoirning ijodida, agar u chindan ham haqiqiy el bolasi bo'lsa, vatan va xalq mavzui yetakchi o'rinni egallaydi. Xolmurot Saparov ham bundan mustasno emas. U ham vatanni bilgan, tanigan bola o'zini kuchli his qilishini, vatan tuprog'idan Antey kabi kuch-quvvat olishini yaxshi angelaydi va she'rlarida buni yorqin satrlarda ifodalaydi. U bolalarni yurt ila tanishtirarkan, «ufqqacha dengizday mavjlanib yotgan paxtazorlar, bug'doyzorlar, sholipoyalar»ga e'tiborni qaratadi, chorvador hayotining shoirona manzaralarini chizadi, vatanni mehnat, faqat mehnatgina gullatishini,

BOLALAR



DUNYOSI

yuksaltirishini o'ziga xos usulda bolalar tili bilan yurakdan uqtiradi. Ayni chog'da xalq zakovati, mingyillik tajribalar haqida hayajonlanib kuylaydi. «Avaylab bos, bosganda oyoq, Shunda yerdan yemaysan tayoq» kabi aforistik satrlar bilan o'quvchi ongini boyitadi. Xolmurot Saparov kichkintoylarni chuchuk tilda gapirtirib, yengil-yelpi yumor yaratish yo'lidan emas, katta masalalar haqida tengdoshlarday samimiy suhbatlashish yo'lidan boradi, dunyoning eng muhim va muqaddas tushunchalari to'g'risida tasavvur berishga harakat qiladi. Vaqtning o'tkinchiligi, zamon bir yerda turmasligi, inson vaqtida bilim orttirishi naqadar muhimligi borasida oddiy, ravon satrlar yaratadi.

Xolmurot Saparovning she'rlarini o'qiganda hamma satrlar sizga tanishday tuyuladi. Chunki, bu bizning hayotimiz, o'rtog'imiz yo ukamizning hayoti. Ana shu samimiyat, rostlik bu qoraqalpoq shoirining asosiy fazilatlaridan biridir.

Xolmurot Saparov she'rlarining qahramoni ba'zan yorqanot (ko'rshapalak), ba'zan qulon, qarsoq bo'lishi mumkin. Ammo ular ham shunchaki tashqi tasvirdan iborat emas. Bunday she'rlarning tagida yana bir boshqa tagmazmunni ko'rish mumkin. Bularning hammasini aniq tushunish, sevish va payqash uchun she'rlarni qayta o'qib ko'rish va satrlar ustida mulohaza yuritish kerak bo'ladi.

Miraziz A'ZAM

AKAMNING AYTGANI

Esdan chiqmas: akam, men — ikkov
Bozor qilmoq bo'lgandik birrov.
Akam vazmin kelar ortimda,
Men borardim chopib oldinda.

Ko'rmay qolib bukur chilg'inni
Tars urildim — munkib yiqildim.
Voyvoyladim, lat yeb oyog'im,
Yedim yerning achchiq tayog'in.

Yig'lab nazar solsam akamga
Akam dedi, qoqib yelkamga:
— Avaylab bos, bosganda oyoq
Shunda yerdan yemaysan tayoq.

VAQT O'TIB BORAYOTIR

Tong otib, kun botadi,
Kun botib, tong otadi,
Kimdir bekor yotadi.
Vaqt o'tib borayotir.

Maktab sari qatnatib,
Bizga qo'shiq yodlatib,
Sinfdan sinfga hatlatib
Vaqt o'tib borayotir.

Ko'proq uxlab qolma deb,
Intilib bor olg'a deb.
Kasbsiz bola bo'lma deb
Vaqt o'tib borayotir.

Ulg'aytirib bolani,
Ota qilib og'ani.
Kengroq ochib orani
Vaqt o'tib borayotir.

Quyosh turadi kulib,
Hech turmaydi kech qolib...
Manglayga ajin solib,
Vaqt o'tib borayotir.

Oltin davr yosh vaqt,
Ayanch — o'tsa bo'sh vaqt.
Otamga hassa ushlatib
Vaqt o'tib borayotir.

Hafta faqat yetti kun,
Sezmay qolding o'tganin.
Aytmay kelib ketganin,
Vaqt o'tib borayotir.



CHO'PON BOLA O'YLARI

Maktabidan chiqib Japaq
Suruv sari boradi.
Bolalagan qo'yni ko'rib,
Otasidan so'radi:

— Ko'p sovliqlar bitta tug'ar,
Egiz tug'mas ne uchun?
Ikki-uchdan tug'masmikan
Yaxshi boqsak kunu tun?

Otasi der: — Balki, mumkin...
Doim shuni ko'zlaymiz.
Zora yaxshi semirsa deb
Sero't joyni izlaymiz...

Shunda Japaq o'ylab qoldi,
Xayol - surar yiltirab,
Ko'z oldidan suruv-suruv,
Qo'ylar o'tdi pildirab:

«Butun qo'ylar egiz tug'sa,
Go'sht ko'payar do'konda,
Arzonlashib borar asta -
Hech kim bo'lmas armonda».

So'ng o'yladi: «Tug'masmikan
Yilda ikki marta qo'y?»
Yurgan sayin qo'y oralab,
Kela berdi shunday o'y.

«Maktabimni tamomlasam
Qirga kelay, - der Japaq,
O'ylarimni sinash uchun
Cho'pon bo'lay», - der Japaq.

YORQANOT (KO'RSHAPALAK)

Yorqanotman, yorqanot,
Nur bilan do'st emasman.
Zulumot menga najot,
Bekamu ko'st emasman.

Kimdir meni donalab,
Parlarimni butagan.
Shu sababli panalab,
Kun botguncha yotaman.

Sezaman, aqlim yetar,
Qarshimda ne turganin:
Olisdan qabul etar,
Tinglov, sezuv organim.

Qanotim bor, parim yo'q,
Arzimayman ko'rishga.
Boshqa qushlar oldiga
Uyalaman borishga.

Kula qolsin yurt, mayli.
Turqim sovuq, bilaman,
Tunda chivin-cherkayni
Uchib yurib, ilaman.



QULON

Men qulonman, yaxshi bil,
Bo'z dovonga o'rlagan.
O'sganimdan mustaqil,
Bo'ynim no'xta ko'rmagan.

Anig'ini aytganda,
Men yovvoyi yilqiman.
To'damizda yilqi ko'p,
Men to'dada qirqiman.

Men erkatoy qulonman,
Menda odam kezolmas,
Menga hech kim egamas,
Yollarimni kesolmas.

Men xonaki yilqidan,
To'g'ri sal-pal kichikman.
Ammo chopsam olisga
Horimayman, kuchlikman.

Juda epchil tuyog'im,
Undan chaqnar chaqinlar.
Sizdan yiroq yotog'im,
Ko'lga, soyga yaqinman.

Nomardlarcha o'q uzhang,
Ko'zimdan yosh oqadi.
Chunki bo'zda yashayman,
Erkin hayot yoqadi.

MUSICHA

Yaxshi qushlar yurar tek,
Yaxshi sayrab beradi:
Bossu uvol bo'lar, deb,
Non ushog'in teradi.

Ketmas uchib olisga,
Makon etib dalamni.
Ushlayman deb yopishma,
U do'st bilar odamni.

U yaxshi qush beozor,
Sho'rlik uquvsiz lekin.
Bo'lmasin desang abgor
Qurib bergin pishiq in.

Miraziz A'ZAM
tarjimalari

КЎЗГУДА ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ

Жиззах вилоятида 2 та олий ўқув юрти мавжуд. Одатда, виллоят халқ таълими ҳақида виллоят абитуриентларининг жавоблар самарадорлигига асосланиб хулоса чиқарилади.

Ушбу масалага бағишланган йилги виллоят халқ таълими бўлимлари раҳбарлари, мактаб директорлари ҳамда туман, шаҳар ҳокимликлари раҳбарлари иштирокида бўлиб ўтди.

Виллоят абитуриентларининг қабул тестларидаги жавоблар самарадорлиги 1998 йилда 37,7% бўлиб, 10-ўринга, 1999 йилда 34,42% бўлиб 11-ўринга, 2000 йилда 33,28% бўлиб 10-ўринга, 2001 йилда 34,31% бўлиб 7-ўринга мос келган. Бу кўрсаткичлар олий ўқув юр்தларининг кундузги бўлимларининг қабул тестларида иштирок этган абитуриентларнинг умумий сонига нисбатан олинган бўлиб, республиканинг ўртача кўрсаткичидан сал юқоридир.

Виллоят абитуриентларининг тестларидаги жавоблар самарадорлиги 2000 йилга таққослаб ўрганилди. Ўзбек гуруҳлари бўйича самарадорлик 3 фан — математика, биология ва инглиз тилидан ўсган бўлса, ўзбек тили ва адабиёти, физика, кимё, тарих, немис ва француз тилларидан камайган. Рус гуруҳлари учун эса рус тили ва адабиёти, математика, кимё, тарих ва инглиз тилидан бу кўрсаткичлар ўсган бўлиб, биология ва немис тилидан пасайиш кузатилган. Виллоят абитуриентларининг билим даражаларининг самарадорлиги бир неча йилдан бери республикада 10-11-ўриндан юқорига кўтарилди олманган бўлса-да, 2001 йил 7-ўринга кўтарилди. Лекин буни яхши натижа деб бўлмади. Виллоят халқ таълими мутасадди ходимлари бундай аҳволга эътибор ва диққат билан қарашлари керак. Абитуриентларнинг жавоблар бўйича самарадорлик кўрсаткичлари қуйидаги жадвалларда кўрсатилган:

(Ўзбек гуруҳлари)

Фан номи	2000 йил		2001 йил	
	Самарадорлик	Ўрин	Самарадорлик	Ўрин
Ўзбек тили ва адабиёти	28,12	9	26,82	10
Математика	33,62	10	34,79	9
Физика	27,70	9	26,79	11
Биология	35,56	6	36,10	7
Кимё	31,79	12	30,19	12
Тарих	32,68	7	30,48	11
География	39,43	12	39,42	6
Инглиз тили	34,52	9	35,60	7
Немис тили	29,06	7	27,20	7
Француз тили	28,59	11	27,52	11

(рус гуруҳлари)

Фан номи	2000 йил		2001 йил	
	Самарадорлик	Ўрин	Самарадорлик	Ўрин
Рус тили ва адабиёти	38,20	11	40,87	9
Математика	33,94	12	35,26	11
Физика	28,49	10	28,18	8
Биология	37,56	11	36,93	11
Кимё	35,07	8	46,23	1
Тарих	31,74	13	36,21	6
Инглиз тили	43,89	10	50,23	6
Немис тили	29,95	8	28,77	8
Француз тили	32,41	4	32,41	4

Жиззах вилоятида таълим ишларини мукамаллаштириш билан бирга таълимий тестларни ўтказишга ҳам амалда эътибор берилди. Таълимий тестлар абитуриентларнинг тест имтиҳонларидаги натижаларига ижобий таъсир этади. Виллоят ўқувчиларининг таълимий тестда қатнашиши таҳлил қилинганда барча туманларда битирувчиларнинг 50 фоизи ушбу муҳим тадбирга жалб қилинганлиги кузатилди.

Давлат тест марказидаги маълумотлар базаси асосида виллоят абитуриентларининг кўпроқ педагогика ва бошланғич таълим методикаси, иқтисодиёт, математика ва техник йўналишларга қизиқишлари катта эканлиги аниқланди.

Статистик ишланмалар асосида Жиззах вилоятининг шаҳар ва туманларидан тест синовларида иштирок қилган абитуриентларнинг билим даражалари самарадорлик кўрсаткичлари ҳисоблаб чиқилди. Виллоят шаҳар ва туманларининг рейтинг кўрсаткичи қуйидаги жадвалда берилган:

(Олий ўқув юр்தларининг кундузги, ўзбек гуруҳлари)

Т.р	Туман ёки шаҳар номи	Самарадорлик 2001	Республикада туғган ўрни
1.	Зафаробод тумани	33,58	51
2.	Жиззах шаҳри	33,4	56
3.	Бахмал тумани	33,23	61
4.	Фориш тумани	32,75	77
5.	Арносой тумани	31,88	108
6.	Фаллаорол тумани	31,12	137
7.	Зарбдор тумани	30,6	151
8.	Зомин тумани	30,53	156
9.	Жиззах тумани	30,21	169
10.	Мирзачўл тумани	30,13	171
11.	Янгиобод тумани	29,7	180
12.	Пахтакор тумани	28,48	195
13.	Дўстлик тумани	28,45	196

Жиззах вилоятининг тест синовларида фанлар бўйича энг юқори кўрсаткичга эришган шаҳар ва туман кўрсаткичлари республика туманларининг энг юқори кўрсаткичлари билан таққослаб ўрганилди. Натижа шуни кўрсатадики, виллоятда энг илгор ҳисобланган шаҳар ва туман кўрсаткичлари республикадаги кўрсаткичи энг юқори шаҳар ва туманларга нисбатан 5-15% гача паст. Жиззах шаҳри тарихдан 15%, Мирзачўл тумани физикадан 11%, Бахмал тумани математикадан 11% гача илгор туман ва шаҳарлардан орқанда қолган. Бу виллоят халқ таълими ходимлари олдидаги ўз ечимини қутаётган энг муҳим муаммодир. Виллоят бўйича маълумот қуйидаги жадвалда келтирилган.

(Ўзбек гуруҳлари)

Фан	Виллоят кўрсаткичлари		Республика кўрсаткичлари	
	Туман ёки шаҳар номи	Катнашган	Самарадорлик	Катнашган
Она тили ва адабиёти	Дўстлик тумани	244	28,23	284
Математика	Бахмал тумани	305	39,44	356
Физика	Мирзачўл тумани	18	36,42	16
Биология	Янгиобод тумани	15	39,81	253
Кимё	Бахмал тумани	107	35,85	81
Тарих	Жиззах шаҳри	283	33,48	17
География	Зомин тумани	15	47,59	17
Инглиз тили	Жиззах	295	45,39	47

Немис тили	шаҳри Фориш тумани	53	32,02	виллоят Самарқанд вилояти	шаҳри Боғишамол тумани	50	44,17
Француз тили	Бахмал тумани	39	35,04	Бухоро вилояти	Ромитон тумани	54	46,60

Вилоятнинг тест синовларида паст кўрсаткичга эришган шаҳар ва туманлари ўрганилганда, Дўстлик тумани немис тилидан - 20,30%, Арносой тумани физикадан - 21,72% самарадорликка эришиб, энг паст натижа кўрсатган. Бу туманларнинг натижаси республикадаги энг паст кўрсаткичли туманларидан бироз юқорироқ бўлса ҳам, бу соҳада хотиржамликка йўл қўйиб бўлмади. Чунки тестдаги натижани юқорироқ кўтаришга интилиш керак. Вилоятнинг энг паст кўрсаткичга эришган туман ва шаҳарлари ҳақидаги маълумот қуйидаги жадвалда келтирилган:

(Ўзбек гуруҳлари)

Фан	Виллоят кўрсаткичлари		Республика кўрсаткичлари				
	Туман ёки шаҳар номи	Катнашган	Самарадорлик	Катнашган			
Она тили ва адабиёти	Мирзачўл тумани	85	25,52	Корақалпоғистон Рес. Навоий вилояти	Бузатов тумани	22	21,34
Математика	Пахтакор тумани	113	29,62	Андижон вилояти	Томди тумани	27	25,51
Физика	Арносой тумани	33	21,72	Сирдарё вилояти	Бўз тумани	56	20,98
Биология	Дўстлик тумани	49	30,78	Сурхондарё вилояти	Сайхунобод тумани	122	27,14
Кимё	Дўстлик тумани	27	24,79	Сурхондарё вилояти	Шеробод тумани	108	23,77
Тарих	Янгиобод тумани	29	27,59	Корақалпоғистон Рес. Сурхондарё вилояти	Хўжайли шаҳри	25	26,11
География	Фаллаорол тумани	45	35,49	Сурхондарё вилояти	Кумқўрган тумани	31	28,05
Инглиз тили	Бахмал тумани	104	26,87	Сурхондарё вилояти	Бандихон тумани	74	22,67
Немис тили	Дўстлик тумани	13	20,30	Фарғона вилояти	Сўх тумани	12	19,21
Француз тили	Фаллаорол тумани	33	21,80	Қашқадарё вилояти	Нишон тумани	14	20,44

DTM tahlili

Жиззах вилоятида абитуриентларнинг тўплаган баллари ҳисобланганда тест топширигининг 50% дан ортигини 956 нафар абитуриент еча олган. 0-30% гача топшириқни бажара олган абитуриентлар сони 3599 нафарни ташкил этган. Тестда юқори ва паст кўрсаткичга эришган абитуриентлар нисбати 3,5 бараварга тўғри келади. Демак, таълим ишларини мукамаллаштириш, таълимий тестларни ўтказиш, касб танлаш ишини кучайтириш керак.

Жиззах вилояти бўйича тест синовларида фанлар бўйича юқори натижага эришган мактаблар ўрганилди. Бахмал туманидан 48-мактаб, Жиззах туманидан 46-мактаб, Жиззах шаҳридан 21-мактаб, Фориш туманидан 79-мактабларнинг ўқувчилари виллоят бўйича юқори кўрсаткичга эришганлар. Бу маълумот қуйидаги жадвалда келтирилган.

(Ўзбек гуруҳлари)

Фан	Туман номи	Мактаб рақами	Тестда қатнашганлар сони	Самарадорлик
Она тили ва адабиёти	Фориш тумани	66	4	36,11
Она тили ва адабиёти	Бахмал тумани	22	2	36,11
Она тили ва адабиёти	Фаллаорол тумани	8	6	36,11
Математика	Фориш тумани	79	6	66,20
Физика	Зафаробод тумани	10	8	46,88
Биология	Бахмал тумани	48	4	54,86
Кимё	Бахмал тумани	48	4	49,31
Тарих	Фаллаорол тумани	2	11	50,25
География	Жиззах тумани	46	4	50,69
Инглиз тили	Жиззах шаҳри	21	7	63,10
Немис тили	Фориш тумани	78	12	48,61
Француз тили	Бахмал тумани	31	4	37,50

Виллоят бўйича тест синовларида паст натижа кўрсатган мактаблар ўрганилди. Математика фанидан Зомин туманидаги 67-мактаб, физика фанидан Пахтакор туманидаги 16-мактаб, она тили ва адабиёти, тарих фанидан Фаллаорол туманидаги 40-, 24-мактаблар, биология фанидан Дўстлик туманидаги 7-мактаб ўқувчилари паст кўрсаткичларга эришган. Виллоят бўйича маълумот қуйидаги жадвалда келтирилган:

(Ўзбек гуруҳлари)

Фан	Туман номи	Мактаб номери	Тестда қатнашганлар сони	Самарадорлик
Она тили ва адабиёти	Фаллаорол тумани	40	5	13,33
Математика	Зомин тумани	67	2	15,28
Физика	Пахтакор тумани	16	2	15,28
Биология	Дўстлик тумани	7	5	18,33
Кимё	Зомин тумани	1	4	15,97
Тарих	Фаллаорол тумани	24	5	14,44
География	Фаллаорол тумани	4	2	25,00
Инглиз тили	Бахмал тумани	11	3	16,67
Немис тили	Дўстлик тумани	3	2	16,67
Француз тили	Жиззах тумани	20	5	16,11
Француз тили	Жиззах тумани	20	2	19,44
Француз тили	Фаллаорол тумани	12	4	19,44

Ўқувчиларнинг билимининг баҳолашда ҳолисоналикни таъминлаш ўқувчининг ўзига ва ўқувчига бўлган талабчанлигига, ўқувчиларнинг фанга бўлган қизиқишларининг оширилишига боғлиқ. Виллоят мактабларида бундай ўқувчилар мавжудлигини абитуриентларнинг аттестатларидаги баллари билан қабул тестларида олган балларининг мослигидан билса бўлади. Виллоят мактабларининг ўртача аттестатлари баҳоси бўйича 4 дан юқори натижа билан битириб, тестда 150 балдан ортиқ балл тўплаган ўқувчилари ўрганилди. Бу қуйидаги жадвалда келтирилган:

(олий ўқув юр்தлари, кундузги бўлим)

Код	Туман ёки шаҳар номи	Жами абитуриентлар	Балл 150	Жами абитуриентларга нисбатан фоиз
1.	Жиззах шаҳри	1006	67	6,66
2.	Мирзачўл тумани	124	5	4,03

3.	Арносой тумани	205	7	3,41
4.	Янгиобод тумани	90	3	3,33
5.	Фаллаорол тумани	1469	37	2,52
6.	Зафаробод тумани	319	8	2,51
7.	Бахмал тумани	881	21	2,38
8.	Зомин тумани	843	17	2,02
9.	Фориш тумани	530	9	1,70
10.	Дўстлик тумани	355	6	1,69
11.	Жиззах тумани	1587	26	1,64
12.	Пахтакор тумани	355	5	1,41
13.	Зарбдор тумани	514	7	1,36

Кўришиб турибдики, аттестат баҳоси билан тест натижаларининг мувофиқлиги Жиззах шаҳри, Мирзачўл, Арносой, Янгиобод туманларида бир мунча юқори бўлса, Зарбдор, Пахтакор, Жиззах, Дўстлик ва Фориш туманларида паст бўлган.

Аттестатга қўйилган баҳоларнинг ҳолислиги тестда олинган юқори балл билан тасдиқланади. Виллоят бўйича аттестатдаги юқори баҳоларни тест синовларида тўла тасдиқлаган абитуриентлар ҳақидаги айрим маълумотлар билан қуйидаги жадвалда танишасиз:

(ижобий ҳол)

Т.р	Тестда қатнашган ўқув юрти	Туман	Мактаб рақами	Аттестат ўртача баҳоси	Тестда олган бали
1.	Тошкент давлат иқтисодиёт университети	Мирзачўл тумани	18	4,1	211,7
2.	Тошкент давлат иқтисодиёт университети	Жиззах тумани	1	4,6	207,7
3.	Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети	Мирзачўл тумани	1	4,8	204,6
4.	Тошкент тўқимачилик ва энгил санат институтининг давлат иқтисодиёт университети	Зафаробод тумани	12	4,8	194,7
5.	Тошкент давлат иқтисодиёт университети	Фаллаорол тумани	25	5	193,5
6.	Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети	Жиззах тумани	1	4,9	193
7.	Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети	Зарбдор тумани	1	4,3	191,7
8.	Ўзбекистон миллий университети	Фаллаорол тумани	16	5	191,6
9.	Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети	Пахтакор тумани	6	5	191,3
10.	Ўзбекистон миллий университети	Арносой тумани	9	4,8	190
11.	Тошкент юридик институти	Жиззах тумани	1	4,5	187,8
12.	Тошкент юридик институти	Зомин тумани	60	5	186,6
13.	Тошкент электротехника алоқа институти	Фаллаорол тумани	1	4,5	185,1

Виллоятда шундай мактаблар борки, ўқувчилар билимига қўйилган баҳолар шу ўқувчиларнинг тестда олган балларидан тубдан фарқ қилади. Бундай салбий ҳолат қуйидаги жадвалдан яққол кўринади.

(салбий ҳол)

Т.р	Тестда қатнашган ўқув юрти	Туман	Мактаб рақами	Аттестат ўртача баҳоси	Тестда олган бали
1.	Жиззах давлат педагогика институти	Фориш тумани	10	4,6	26,3
2.	Жиззах давлат педагогика институти	Жиззах тумани	30	4,7	26,4
3.	Жиззах политехника институти	Зомин тумани	30	4,6	26,5
4.	Жиззах давлат педагогика институти	Зомин тумани	32	4,7	27,3
5.	Жиззах давлат педагогика институти	Жиззах тумани	19	4,7	27,3
6.	Самарқанд қишлоқ хўжалик институти	Бахмал тумани	14	5	28,3
7.	Самарқанд давлат университети	Бахмал тумани	37	4,3	28,3
8.	Тошкент фармацевтика институти	Мирзачўл тумани	9	4,3	28,6
9.	Жиззах давлат педагогика институти	Жиззах тумани	17	4,6	29,4
10.	Жиззах давлат педагогика институти	Фориш тумани	8	5	29,4
11.	Жиззах давлат педагогика институти	Зарбдор тумани	10	4,5	29,5
12.	Гулистон давлат университети	Пахтакор тумани	7	4,2	29,5
13.	Тошкент давлат техника университети	Фаллаорол тумани	44	4,3	29,5
14.	Жиззах политехника институти	Бахмал тумани	30	4,75	29,5
15.	Жиззах давлат педагогика институти	Фаллаорол тумани	45	4,7	29,6
16.	Жиззах политехника институти	Жиззах тумани	11	4,8	29,6
17.	Жиззах давлат педагогика институти	Бахмал тумани	21	4	

МАКТУБЛАРДА ҲАЁТ НАФАСИ

Дил изҳорлари, миннатдорчилик туйғулари куртак ёзган фикрларни ўзгалар билан ўртоқлашиш истаги — булар бугун саҳифамизда берилган мактубларни бир-бирига боғлаб турувчи ришталар. Фикрлашдан ва мактуб ёзишдан эринманг, азизлар!

Ассалому алайкум, ҳурматли "Маърифат" газетаси ходимлари!

Мен "Маърифат" газетасини севиб ўқийдиган ўқувчисман. 10 йиллик газета йиғмаларим бор. Улардан керакли маълумотлар олишда фойдаланаман. 23 йилдан бери ҳар йили шу газетанига обуна бўлман. Мана шу йил шогирдим — маънавият ва

бўлсангизлар, деб орзу қилдим. Бу ердаги маориф ишларидаги ютуқлар ва камчиликларни кўриб, ўқитувчилар билан суҳбатлашиб кетсангизлар эди!

Мақолада айтилган барча фикрлар, айти мудоаодир.

Бизнинг ўқитувчиларимиз ҳозирги кунда адабиёт дарсларида аруз вазнини ургатиш ва аруз вазнида ёзилган шеърий

КИМЁ ДАРСИ
УЧУН ШЕЪРЛАР

Мақтабда кимё фанидан дарс бераман. Бўш вақтларимда шеърлар машқ қилиб тураман. Дарс ўтишда улардан фойдаланаман. Сизларга кимё дарсида фойдаланиш учун ёзган шеърий машқларимни жўнатмоқдам.

Ажралиш реакцияси: $\text{CaCO}_3 = \text{CaO} + \text{CO}_2$
Оҳақтош ёки мармар менинг исми, Кальций билан карбонатдан мужасам жисим.

Сездингиз — мен оҳақ билан газга айланаман,
Қуришда менинг ўрним, дея шайланаман.

Бирикиш реакцияси: $4\text{P} + 5\text{O}_2 = 2\text{P}_2\text{O}_5$

Фосфор бўлиб жуда мағрур юрар эдим,
Қизил, қора, гоҳ оқ тусда товланардим.

Кислородга бирик дея зўрладилар,
Оксид бўлиб қолганимдан хушнуд улар.

Урин олиш реакцияси: $\text{Zn} + 2\text{HCl} = \text{ZnCl}_2 + \text{H}_2$

Рух эдим, кислотага ташладилар,
Водороднинг ўрни ол, деб ўқидилар.

Водородни чиқаришга қурбим етди,
Газ ҳолида ажралиб чиқиб кетди.

Қўл келгани кучланишлар қаторида ўрним бўлди,
Металликдан туз ҳолига ўтиб кўнглим тўлди.

Равшанбек ХУДОЙБЕРДИЕВ,
Ўзбекистон туманидаги
6-мактаб ўқитувчиси

ҚИММАТ ДЕМАЙ
ОБУНА БЎЛДИМ

маърифат ишлари бўйича ташкилотчи: "Опа, газетанинг бир йиллик обунаси 17000 минг сўм бўлган" деб айтди. Қимматлик қилади деб айтса-да, "2 ойлик маошимдан ушлаб қолдинглар, аммо "Маърифат" сиз қолдирманглар", деб обуна бўлдим. Бугун утириб, 92- ва 93-сонларини ўқиб чиқдим. Гўёки, "янгилар оламинга", "билимлар синовига" кириб чиқдим. Газетанинг қаторасига уч сонидан босилган "Бир бахтсиз муҳаббат" ҳикоясини ўқиб чиқиб, тарихлар силсиласининг Амур Темур боғига саёҳат қилгандек бўлдим. Раҳмат сизларга! Мен Фаргона вилоятида "Маърифат" газетаси кунлари ҳақидаги 92-сондаги "Кўпроқ ўқитувчилар тажрибалари ёритилса" мақоласини ўқиб, қанийди бизнинг Қашқадарёда, Косонда ҳам меҳмон

асарларни ургатишга анча қийналишмоқда. Мен ҳам аввалида жуда қийналдим. Сунгра Анвар Ҳожиаҳмедовнинг қўлланмасини ўқиб, 1998 йил Тошкентдаги Авлоний номидаги малака ошириш институтига бориб, Омонулла Мадаевнинг маърузаларини тинглаб, жуда фойдали билимга эга бўлдим. Ҳозирги кунда 7-синфдан бошлаб, ўқувчиларимга адабиёт дарсларида "Аруз илми"дан сабоқлар бериб келаяпман. 93-сондаги Йулдош Абдуллаевнинг "Конституция матнлари асосида нутқий-имловий малакаларни мустақамлаш" мақоласи биз учун айти керакли вақтда берилди, раҳмат!

С.НУСУРОВА,
Косон туманидаги
57-мактаб ўқитувчиси

ДИЛДАН ТУКИЛГАН ҚУШИҚ

Шеър инсоннинг ички олами — кунглидаги гапнинг ташқи оламга чиқиши учун имкон берадиган куприкдир. Инсон кунглидаги гап эса борлиққа қувонч ва дард исмлари билан сас беради. Таниқли шоира Зулфиянинг 6-синф адабиёти дарслигида берилган "Баҳор келди сени суроқлаб" сарлавҳали шеъри ўқувчилар учун тарбиявий аҳамиятга эга бўлган асардир. Мафтункор баҳор ҳақида ёзилган бу шеър шоиранинг ҳижрони билан қоришиб кетган. Чунки шоирани ҳижрон турларига ураб кетган шоир бу фаслни севгучи эди. Шеърда баҳор поэтик образ ва уз навбатига лирик қаҳрамон.

У "қишнинг ёқасидан тугтиб" шоирни суроқлайди. Қарангки, қорлари билан тарновларда музларни осилтириб қўядиган, деразаларга чиройли расмлар сола оладиган қиш уз ожизлигини тан олади — бир савол олдида мулзам бўлиб, куз ёши тугади. Қишнинг бу қуз ёш тугишлари лирик қаҳрамон қалбидаги айрилик, изтироб ва ҳижрон ёши билан қоришиб кетади. Демак, шоира бу ерда икки хил манзарани тасвирлайди. Бу табиий манзара — қишнинг ёш тугиши билан баҳорга уз ўрнини бериши ҳамда мажозий манзара — шоира қалбидаги айрилик ва алам ёди билан тугилган куз ёш. Ҳар икки ҳолат ҳам

Зулфиянинг поэтик маҳоратини белгилайди.

Фикримиз аввалида "Баҳор келди сени суроқлаб" шеърини "тарбиявий аҳамиятга эга" деган сузалар билан тавсифлаган эдик. Шуни қўшимча қилиш жоизки, Зулфия шеърятининг катта қисмига-да бу таърифни берсак, муболага бўлмайди. Чунки шоиранинг нафақат шеърятини, балки бутун ҳаёти САДОҚАТ рамзидир. Зулфия шеърятини—бетакрор дардли қушиқ. Дилдан тугилган бу қушиқлар эса қуйланаверади.

Наргиза ЭРГАШЕВА,
Кумқўрғон туманидаги
2-мактаб
ўқитувчиси

ТАРБИЯДА ТИЛ БИЛИШ АСОСИЙ МАСАЛА

Бугунги ёшларимиз аввалги авлодларга нисбатан кўпроқ тил билдилар. Бу ҳол эртамизнинг ёрқин бўлишига умид туғдиради. Айти пайда, ёшларимиз тил билиш билан биргаликда, халқларнинг дили ва руҳиятини ҳам англаб боришлари керак. Тил ўргатувчи биз мураббийлар бунга эътибор беришимиз лозим. Ривожланган технологияси билан дунё кезаётган давлатлар ичида биз янгимиз. Улар билан тенг бўлиш, рақобатлашиш учун халқларнинг менталитетини яхши билишимиз шарт. Бу — ёшларга тил ўргатишда эътиборни қаратишимиз лозим бўлган асосий масалалардан биридир.

Шу маънода турли репетиторлик йўллари билан технократик усулда тил ўргатиш ўзини оқламайди. Ҳозир бизда инглиз, олмон ва француз тилларини ўрганиш кенг кўламда олиб борилмоқда. Бу тўғридир. Чунки шу тилларда гаплашувчи давлатлар бугунги дунёда ривожланиши билан гегемонликка интилмоқда. Уларнинг тилини ўрганиш билан биз кўп ютуқларга эга бўлаемиз... Биз билан улар ҳисоблашадилар. Айти дамда улар бизнинг ҳам менталитетимизга қизиқишмоқда. Осиёда биз ўз мавқеимизга эга эканлигимизни билишлари учун бу Европа давлатларининг

содда тарихларидан ўқувчиларни хабардор этишимиз керак. Эски педагогикамиздан қолган эски усул — тил ўргатишда фақат грамматикани дастак қилиб олиш энди ўзини оқламайди. Биз энди тил ўргатиш воситасида ёшларга халқларнинг ютуқ ва камчиликларини ҳам билдириб ўтишимиз шарт. Қадимги юнон олимларидан бири Плутарх деган экан: "Тил ўрганиш гегемон давлат сирларига интилиш ва бу билан ўзини гегемонликка олиб чиқиш илминдир. Бу мақсад йўқ экан, тил билишини қорнини тўйғазиб шижрат қилади, ҳолос". Биз бундай тажрибаларни эсдан чиқармаслигимиз ло-

ХАЛҚАРО ИНТЕРНЕТ
ТАРМОҒИГА УЛАНДИ

Ассалому алайкум, ҳурматли "Маърифат" таҳририяти ходимлари!

Қарийб 40 йилдан бери "Маърифат"нинг доимий муҳлисларидан бириман. Ўзимнинг 60 йиллик ҳаётим ва 35 йиллик педагогик, 32 йиллик мактабларга раҳбарлик фаолиятим давомида бизга доимий маслаҳатчи ва беминнат устоз бўлган "Маърифат" (собиқ "Ўқитувчилар газетаси")дан жуда кўп ҳаётим сабоқ олдим. Шунинг учун ҳам мактабимиз педагогик жамоаси 2002 йил учун 5 та "Маърифат" газетасига тўла обуна бўлди. Балиқчи Андижон вилоятининг энг чекка туманларидан бири бўлиб, кейинги 3-4 йил ичида халқ хўжалигининг барча соҳаларини юксалтиришга, ривожлантиришга катта эътибор берилди. Айтишга, таълим соҳасини юқори даражага олиб чиқиш учун тинимсиз ҳаракат қилинмоқда. Мактаблар моддий-техника базасини яхшилашга, кам таъминланган оилалар фарзандларини дарсликлар, ўқув қуроллари ва кийим-бош билан таъминлашда ҳомий ташкилотлар, "Соғлом авлод учун", "Қизил ярим ой" хайрия жамиятларининг туман бўлимлари ўзларининг беминнат ёрдамларини бериб келмоқдалар.

Тумандаги 52 та умумий ўрта таълим мактабидан 28 таси ҳозиргача турли русумдаги ЭХМлар билан таъминланган эди. Шу йилнинг охири чорагида яна 8 та мактаб янги типдаги "IBM" русумли энг замонавий компьютерлар билан жиҳозланиб, ўқувчилар улардан қувонч ва катта иштиёқ билан фойдаланмоқдалар.

Бир неча йилдан бери томидан чакка ўтиб келаётган 7-, 10-,

35-ўрта мактабларнинг томлари тўла шифер қилинди. "Балиқчи" ширкат хўжалиги бошқаруви раиси М.Исоқов, "Бунёдкор" фермерлар кооперативи раиси Р.Аскарларнинг ҳамда Эшонқишлоқ қишлоғи аҳолисининг катта ёрдами ва мадади билан 17-ўрта мактаб учун пишиқ гиштдан 4 та қўшимча синф хонаси битказилиб, янги ўқув йили арафасида ўқувчиларга тўхта этилди. Тумандаги 4 та мактабга ҳам 3 тадан ана шундай қўшимча синф хоналар ҳомий ташкилотлар ёрдамида қуриб берилди. Туман ҳокими Адҳамжон Мамажоновнинг ташаббуси билан мактабларни қишки мавсумга тайёрлаш учун 10 миллион сўм пул ажратилиб, шифер, ойна олиб келинди ва мактабларга тарқатилди.

Туман халқ таълими бўлими вилоятдаги барча туманлар ичида биринчи бўлиб халқаро интернет тармоғига уланди.

Барчангизга соғлик-саломатлик, оилангизга бахт-саодат, эзгу ишларингизда зафар ёр ва юртимизда тинчлик-омонлик бўлишини Яратганнинг ўзидан тилаб, "Бу — "Маърифат" деб номланган бир шеърий машқимни ҳам жўнатмоқдаман.

Ким ахир ҳамроҳдир унга бир умр,
Ҳалол луқма бирла нонин топан ул.
Ҳаёт йўллари ёритгай бир нур,
Қалбларни шод этиб куйлаган Булбул —
Бу — "Маърифат", "Маърифат" дир, "Маърифат".

Ўринбой ДЕҲҚОНОВ,
Балиқчи туманидаги
17-мактаб директори

ЎҚИТУВЧИЛИКНИ ТАНЛАганимга
ШУҚРОНА КЕЛТИРДИМ

севиши туфайли эл оғзига тушди. Иш фаолияти давомида "Катта ўқитувчи" унвонини олди, бир неча бор Мақтов ёрликлари ва мукофотлар билан тақдирланди. Турли соҳаларнинг пешқадамига айланган шогирдлар етиштирди. Улар орасида устозига ҳавас қилиб шу касбнинг бошини тутганлар ҳам анчагина.

ушун" ордени соҳиби бўлдилар. 1997 йили "Олий тоифали ўқитувчи" мақомини олдилар. Лицей мураббийларининг, шу жумладан дадамнинг саъй-ҳаракатлари билан туман битирувчи ёшлари орасида олий ўқув юрталарига кирувчилар сони ортди. Шу каби маърифат тарқатиш йўлидаги фаолиятлари ҳисобга олиниб, 1 октябрь — ўқитувчилар ва мураббий-

лар куни муносабати билан бир гуруҳ ўқитувчилар қаторида дадажонимга "Ўзбекистон халқ ўқитувчиси" унвони берилди. Оиламиз учун ҳам, лицей жамоаси учун ҳам қўшалоқ байрамга айланган ушбу кунда мен шу юртда, шу оилада туғилганимга, шундай инсоннинг фарзанди бўлиб,

шу йўлни танлаганимга шуқрона келтирдим. Мен дадамнинг меҳнатларини рўёбга чиқарганлари учун лицейимиз жамоасидан, туман ва вилоят халқ таълими бўлиmidан ва энг аввало, ҳукуматимиз раҳбариятидан чексиз миннатдорман.

Феруза ТОҒАЕВА,
Иштихон туманидаги
1-лицей ўқитувчиси

ЖАЗО

Бир қишлоқда кампир ёлғиз угли билан яшарди. Угил доимо дала ишлари билан банд булар, бундан фойдаланган келин қайнонасига азоб берарди. Молга қараш, овқат тайёрлаш, супуриш-сидириш, хуллас кўпчилик юмушларни кампир бажарарди. Ҳар куни кечки овқат тайёр булғач, келин эри ва узи учун бир товоққа солиб, бирга ер экану қайнонага эса алоҳида идишга солиб, устига туз солиб бераркан. Кампир шур овқатни ейишда қийналаркан. Бу ҳол йигитга сезила бошлади.

Бир куни келин икки товоқда овқат келтириб, дастурхонга қўйди.

— Мен онам билан ейман, — деб у онаси олдидаги шур

Rivoyat

овқатни хотини олдида суриб, ейишга киришибди. Хотини уз олдидаги овқатнинг ярмини зурга еб тухтабди. Буни сезган эр овқатни охиригача ейишни талаб қилди. Мажбуран шур таом еган аёлнинг юраги куйиб, сув ичишни истади. Эр эса уйдаги челақ-челақ сувларни хотинига билдирмай тукиб ташлаганди. Овқатга фотиҳа тортилгач, аёл урнидан турдию идишларнинг биридан сув ичмоқчи булди. Курсаки, идишлар ҳаммаси бум-буш. Сув тополмагач, ташқарига чиқди-да, ҳовуз буйига илдам қадам ташлади.

Эр ҳам орқасидан соядек кузатиб борди. Аёлнинг чанқоғи ҳаддан зиёда булгани учун ҳовуз лабига узала тушиб сувни симира бошлади.

Шунда эр орқадан сездирмай бориб аёлнинг икки оёғидан кутариб, нотаниш овозда: "Онангнинг, отангнинг арвоғи бўламан. Нима учун қайнонага азоб берасан? Бу кургулик сенинг узингга ҳам қайтишини унутма!" деб бошини ҳовуздаги сувга гоҳ тиқиб, гоҳ чиқариб ола бошлади.

Аёл энтиқиб ҳеч нарса гапиролмай нафаси ичига тушди, узидан кетди. Эр хотинини ҳовуз буйига ташлаб, жойига келиб ётди. Аёл бир неча дақиқадан кейин энтиққан, қўрққан ҳолда уйга кириб келди ва анча вақтгача инграниб ухлай олмади.

Шу воқеа сабаб булиб, келин қайнонага меҳрибон булиб яшай бошлади.

Никоҳ — илоҳий тушунча, уни дунё халқларининг деярли аксарияти муқаддас деб билади. Эр-хотинлик муносабатларининг мўътадил, яъни рисоладагидек кечиши жамият ривожини ҳам белгилайди.

Т а р и х и й манбалардан маълумки, "Авесто" исломдан олдинги қадимий диний манба ҳисобланиб, барча соҳа мутахассислари диққатини жалб қилиб келмоқда. Унда аёлга муносабатнинг теран илдиэларини кўрамиз.

Ўт-тегин исми турк йигити ва Дугдонча деган суғд кизи орасида тузилган никоҳ шартномаси олти киши иштирокида махсус Тархун шоҳ буйруғи асосида расмийлаштирилган. Шартномада асосан эр-хотинлик муносабати инobatга олинган бўлиб, унда ҳуқуқий, иқтисодий жиҳатлар алоҳида кўрсатилган.

Ўт-тегин Дугдончани тенг ҳуқуқли, севимли хотин ва хурматли шахс сифатида ўз хонадонига қабул қилади. Биринчидан, зардуштийлик ҳукмрон бўлган даврда ҳам эр-хотинлик муносабатлари ҳуқуқий жиҳатдан авлод қолдиришга бориб тақалади. Иккинчидан, оила-никоҳ масалалари бевосита шоҳ томонидан назорат қилинар, зардуштийлик мазҳабининг урф-одати бўйича эркак ва хотиннинг бир-бирларига боғланиши ерга ишлов бериш, боғдорчилик билан шуғулланиш ва кўп ҳосил олишга асос бўлган, фаровонлик келтирган, қисқаси, бевосита жамият моддий базасини мустаҳкамлаш кўзда тутилган. Учунчидан, байналминал никоҳлар ҳам мавжуд эди, бунга "Авесто" монелик кўрсатмаган.

Дугдончанинг тенг ҳуқуқли шахс сифатида Ўт-тегинни қабул қилиши ўша даврда ҳам оила ва оилавий муносабатларга эътибор кучлилигини кўрсатади.

Никоҳ шартномасининг яна бир эътиборли томони шундаки, Ўт-тегин томонидан Дугдончага нисбатан зиён етказилса, (жисмоний тазйик, шахсиятини ҳақоратлаш) ундан 30 драхм (пул) миқдорида жарима унди-

Бу — сизга ёқиб тушган ва анчадан бери сизни соғинтириб келаётган муаллима аёллар саҳифаси. Узрли сабабларга кўра, саҳифа анча вақт "дам" олди. Қарасакки, саҳифанинг муштарийлари кўп экан. Таълим муассасаларида ишловчиларнинг аксарияти ҳам муҳтарам аёллардир. Шу боис уни яна тикладик.

"Маърифат"нинг ҳар шанба сониде ўз саҳифангизни кутинг, бизга ёзинг, биз билан ҳасратлашинг ва сирлашинг! Саҳифа мактубларингизга мунтазир!

рилиши, жарима ўз вақтида тўланмаса, ҳар 10 драхмига 2 драхмдан кўшилиши ҳам кўрсатилган.

Бундан шундай хулоса келиб чиқадики, ўша пайтларда ҳам заифаларга нисбатан тазйик ва тажовузлар содир бўлиб турган.

рўяхати ҳам кўрсатилган. Мабодо ажралиш зарурати туғилса, никоҳни бекор қилиш масаласини эр-хотин, яъни Ўт-тегин ва Дугдонча биргаликда амалга оширишлари мумкин бўлган. Аёл кишининг иқтисодий ва моддий таъминоти эркак зиммасида эканлиги яна бир бор унга бўлган диққат-эътиборнинг кучлилигидан далолат беради. Шартномада ёзилишича, мол-мулк тақсимланиш усули, аёлнинг чиройли либослар билан таъминланиши ва ўзи ишлаб топган нарсаларга эгаллик қилиши мумкин эди. Аёлни ҳимоялаш ва унинг ролини кўрсатиш Ўт-тегин томонидан ёзилган иккинчи шартномада алоҳида таъкидлаб ўтилган. Бунга кўра, у хотини Дугдончани кул қилиб сотмаслиги, агар ажралиш зарурати туғилса, Ўт-тегин жуфти ҳалоллини ўз ҳомийлари, яъни ота-оналарига соғ-саломат қайтариши керак.

Юқориде айтиб ўтганимиз никоҳнинг майда-чуйда масалалари эмас. Аждодларимиз зардуштийлик даврида, яъни араблар Ўрта Осиёни босиб олгунга қадар икки турдаги никоҳ асосида оила қуришган. Биринчиси, **тенг ҳуқуқли никоҳ-оила**. Иккинчиси, **ҳомийли никоҳ-оила**. Тенг-ҳуқуқли никоҳ икки ёшнинг ўзаро аҳдлашувига биноан тузилган ва бу каби аёлларга нисбатан Худсор хотин дейилган. Ота ёки бошқа ҳомийлар ижозати билан қурилган никоҳдаги аёллар Подшоҳ хотин номини олган.

Умуман, аждодларимизнинг никоҳ масаласидаги урф-одат ва тамойиллари бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас.

Ш.АҲАДОВ,
тарих фанлари доктори

ҚАДИМДА
НИКОҲ

Салбий ҳолат бўлгани учун бунга чек қўйиш мақсадида жарима белгиланган.

Ўт-тегин Дугдончанинг розилигисиз бошқа аёлга уйланиш

Teran tomirlar

ёки ўзга бир хотинни хизматкорликка олиш ҳуқуқидан маҳрум этилган. Энг аввало, бу тенг ҳуқуқлилик оилани мустаҳкамлаш асосидир. Агарда кўрсатилган талабларга риоя қилинмаса, белгиланган жазо усули қўлланилган. Бу билан рашк ҳиссини кўзгатувчи, никоҳ одобини бузиш, шахсиятга тегиш каби номақбул ҳолатларнинг олди олинган.

Шу ўринда нима учун фалон миқдор пул жазо сифатида кўрсатилган, деган савол пайдо бўлади. Бу жуда мураккаб психологик қонуниятлар асосида тузилган шартномадир. Бошқа усул, яъни жисмоний таъсир чоралари ўттинчи бўлиб, оғриқ унутилгач, уни эслаш анча қийин кечади. Лекин белгиланган маблағни тўлаш эркакдан доимо хушёрликни талаб қилган. Бундай қонуниятлар ҳозирги пайтдаги никоҳ шартномаларида ҳам сақланиб қолган.

Шартномада Дугдончага Ўт-тегин томонидан бериладиган кийим-кечак, тақинчоқлар

Pazandalik

БАЛИҚ
ЛУҚМАИ
ҲАЛОЛ

Бу гап боболаримиздан қолган. Айримлар рўза тутишдан аввал покланиш учун балиқ истеъмол қиладилар. Балиқ, балиқ маҳсулотлари жуда фойдали ва тўйимли таом бўлиб, асосан куйидаги турларидан таомлар тайёрланади: тангали, судак, дўнг пешона, хек, окунь, чўртан ва ҳоказолар. Балиқда организм учун зарур оқсил, углевод, ёғ, минерал моддалардан кальций, фосфор, калий, темир, йод, дармондорилардан "А", "Е", "Д"лар мавжуд.

Балиқ гўшти таркибида дағал бириктирувчи тўқималар йўқлиги сабабли, у организмда тез ҳазм бўлади. Балиқ ёғининг паст ҳароратда эриши ҳам ҳазмни тезлаштиради.

Балиққа биринчи ишлов бериш

Балиққа биринчи ишлов бериш жараёни куйидагилардан иборат: тангачалари, қанот ва сўзгичларидан тозалаш, ички органларини олиб ташлаш, ювиш, ярим тайёр масалликлар тайёрлаш.

Пишириш усуллари

Тозаланган балиқ гўштини қайнатиб, қовуриб, димлаб пишириш учун турли яримтайёр масалликлар тайёрланади. Балиқни қайнатиш учун танасини кўндалангига тўғри қилиб, димлаш учун лахмини ажратиб 30° ли бурчак қилиб кесилади. Қовуриш учун эса 30° ли бурчак остида суяги билан бирга кесилади.

Тўғралган балиқни қовуришдан олдин қуриб унга ёки толқонга буланади. Булашдан мақсад қовурилган балиқ таркибидаги моддаларни сақлаб қолиш ва балиқни идиш тубига ёпиштириб қўймасликдир.

Балиқдан бошқа таомлар ҳам пишириш мумкин

Балиқдан котлет ва кнель масалари тайёрлаш ҳам мумкин. Котлет массаси тайёрлаш учун 1 кг балиқ гўштига 250 г нон, 300-350 г сув, 9-12 г туз керак бўлади.

Котлет тайёрлаш учун балиқ гўштининг лахмини ажратиб олиб бўлакланади ва қилтаноқлари тозаланади. Кейин бўлақлар гўшт қиймалагичдан ўтказилади. Оқ булка нонни сувда ивитиб, гўшт қиймалагичдан чиқарилади ва балиқ гўштига аралаштириб, тузи ростланади, таъбга кўра мурч ҳам солиш мумкин. Тайёрланган аралашма яна бир марта гўштқиймалагичдан ўтказилади ва қовурилганда ёрилиб кетмаслиги учун уриб пиштилади. Ҳосил бўлган массада котлет, биточка, зраза, тефтели каби яримтайёр масалликлар тайёрлаш мумкин.

«Пазандалик сирлари»
қўлланмаси асосида
тайёрланди.

КАКАО ИЧИМЛЕР

Ҳозир қиш. Эрталабки нонуштада кўпчилик чой билан қифояланади. Какао порошогидан тайёрланган ичимлик эса танангизга иссиқлик, куч-қувват бахш этади. Унинг таркибида оқсил, ёғ ва углеводлар бор.

Бунинг учун бир ёки икки чой қошиғидаги какао порошогига таъбга кўра шаккар билан ара-

лаштирилади. Ҳосил қилинган аралашмага ярим литр суғ қуйиб, порошок эритилади. Қайнатиш жараёнида уни қошиқ билан кўзгаб туриш лозим. Акс ҳолда какао идишга ёпишиб қолиши мумкин.

Қайнаб чиққан ичимликни пиёлаларга қуйиб, оила аъзоларингизга узатасиз. Улар кун бўйи театик юришади.

Nonushta

Ҳаё, ибо, уят бобида ўзбек аёллари ҳар қанча мақтовга лойиқ. Лекин худди шундай хислат гўёки

Ajab dunyo ekan

ишонинг, хоҳ ишонманг, 18 миллион пулни олиб қайтишдан кўрққандир.

УЯЛИШ ЭВАЗИГА...

ўзга давлат аёлларида ҳам учрар эмиш.

Англиялик Шейла Уилсон 47 ёшда бўлиб, унинг лотореясига бир ёки икки миллион эмас, хоҳ

доллар ютук чиққан эди. Аммо хоним бу пулни олиш учун банкка боришдан бир йилгача уялиб юрди. Эҳтимол, у шунча

Балки олишга эҳтиёж бўлмадимикан? Алқисса, Шейла хоним фурсатни бой бергани учун ҳеч вақосиз қолди.

ТҲЙХОНАДА ПОРТЛАШ ЮЗ БЕРДИ

Исроил шимолидаги Хадера шаҳрида жойлашган "Армон Давид" турли хил тантаналар ўтказиладиган банкет залида портлаш юз берди.



150 кишига мўлжалланган залда никоҳ тўйи бўлаётган эди. Тўйхонага тунги соат 11 ларда югуриб кирган террорчининг белидаги портловчи мослама ишламай қолди. Шунда у автоматдан ўқ уза бошлади ва граната улоқтиришга улгурди. Бинодан ташқарига чиққанида эса унинг ўзини шу атрофдаги полициячилар ўлдиришга муваффақ бўлишди. Лекин, фожиа тўғрисида 7 киши ҳаётдан кўз юмиб, 30 нафарга яқин меҳмон жароҳат олди.



ПАУЭЛЛ: БИЗ ТИНЧЛИК ТАРАФДОРИМИЗ

Қобулга келган АҚШ давлат котиби Колин Пауэлл Хамид Карзай билан учрашди. Бўлиб ўтган музокаралар чоғида Пауэлл америкаликлар Афғонистонда узоқ муддатли барқарорликни тиклаш ниятида эканликларини билдирди. "Биз сизларнинг инқироздан чиқишингиз ва янги давлат барпо этишингиз учун ёрдам беришга тайёрмиз. Биз одамлар тинч ва бежавотир яшайдиган, болалар бемалол улғаядиган ҳамда яхши келажак учун умид уйғотадиган Афғонистон юзага келишини хоҳлаймиз", — деди АҚШ давлат котиби. Хамид Карзай эса унинг бу гапларидан хурсанд бўлганлигини маълум қилди.



ИНГЛИЗЛАР ФРАНЦУЗЛАРНИ ҚУТҚАРИБ ҚОЛИШДИ

Англия полицияси 23-40 ёшлар орасидаги 11 кишини террор хуружига тайёргарликда гумон этиб, Лейчестер шаҳрида ҳибсга олди. Маълум



мотларга кўра, улар на 11 сентябрдаги фожиага, на "Ал-Қоид" ташкилотига алоқадор эмаслар. Лекин, Франциянинг "Европа 1" радиостанциясининг билдиришича, уларнинг барчаси Франция ҳудудида терактларни амалга оширишни режалаштирган исломий гуруҳи билан алоқадор.

ТОЛИБЛАР АФҒОН АРМИЯСИДА ХИЗМАТ ҲАЙТИДИЛАР

"Толибон" ҳаракатининг мингга яқин собиқ аъзолари янги афғон армияси таркибига қўшилдилар. Ҳозирда улар "АК-47" автомати ва Америкада тайёрланган ҳарбий кийим билан таъминланишган. Яқин кунларда Қандаҳор



даги қуролли кучлар сони 6000 га етди. "Ҳа, толибонларнинг кўпчилиги сафимизга қўшилишмоқда. Лекин уларнинг манзиллари ва келиб чиқишлари кучли текширилмоқда", — дейди ҳавфсизлик хизмати-нинг заҳирадаги зобити Ҳафизулло. Аммо, айни шу вақтда афғон армиясининг янги қўмондони Қандаҳор ҳокими Гул Шарзой толибларнинг бўлиналарга бошчилик қилишлари қатъий ман этилишини маълум қилди.

Газетхонларнинг ёдидан кўтарилмаган бўлса, "Маърифат"нинг ўтган йил май ойидаги сонларидан бирида дастлабки Нобел мукофоти соҳиблари тўғрисида қисқача маълумот бериб ўтган эдик. Физика соҳасида биринчи мукофот Вилгелм Рентгенга насиб қилган бўлса, бу ноёб мукофотга эришган биринчи кимёгар олим Якоб Вант-Гофф бўлди. Улар билан бир кунда бундай юксак мукофотни Швеция қироли қўлидан қабул қилиш шарафига тиббиётчи олимлар вакили бўлган Эмил фон Берингга ҳам насиб этди. Демак, бугунги ҳикоямиз тиббиёт соҳасида биринчи Нобел мукофоти совриндори бўлган буюк олим ҳақида бўлади.

Олмониялик тиббиётчи-бактериолог олим Эмил Адолф фон Беринг 1854 йили 15 март куни Гансдор шаҳрида (ҳозирги кунда Польша ҳудудида жойлашган) дунёга келди. У бир онадан туғилган ўн икки фарзанднинг энг каттаси эди. Унинг отаси Август Георг Беринг мактаб ўқитувчиси, онаси Августина Беринг эса уй бекаси эди.

1865 йили Шарқий Пруссияда жойлашган Хоненштейн шаҳридаги гимназияга ўқишга кирди ва уша ерда тиббиётга қизиқиб қолди. Лекин, оиладаги иқтисодий қийинчилик тўғрисида унинг тиббиёт ўқув юртига ўқишга жўната олмадилар. Шу сабабдан ҳам Э.Беринг отасининг маслаҳати билан Кенигеберг университетининг теология (диний фанлар) курсига ўқишга киради. Аммо тиббиётга бўлган қизиқиши уни Берлиндаги Фридрих Вилгелм институти қошидаги ҳарбий-тиббиёт коллежига етаклади.

1878 йили ушбу коллежни муваффақиятли тамомлаган Э.Беринг орадан икки йил ўтгач, олий тиббиёт дипломини олиш учун давлат имтиҳони топширди ва Познан шаҳрига хирург-ассистент лавозимига ишга тайинланди. Лекин давлат қонуни бўйича, у 1889 йилгача ҳарбий хизмат ўташи зарур эди. Армия хизмати даврида батальон вақтида сифатида жанговар ҳолатларда солдатларни юқумли касалликлардан даволаш муаммоларини ўргана бошлади. 1889 йили Армиядаги хизмат муддати тамом бўлгач, Э.Беринг буюк тиббиётчи олим Роберт Кох раҳбарлик қила-

ётган Берлиндаги гигиена институтига ишга ўтади. Бу пайтга келиб, Эмил фон Беринг олиб бораётган илмий изланишлар асосан қоқшол ва бўгма касалликларни ўрганишга бағишланган эди. Бу икки касалликлар белгилари билан бир-бирига умуман ўхшамаса-да, уларни бирлаштира оладиган битта умумийлик бор эди. У ҳам бўлса иккала касалликда ҳам натижа ўлим билан тугар эди. Бундан ташқари иккала касаллик ҳам унча кўп бўлмаган бактериялар орқали юқар эди.

Шу жойда бу иккала касаллик тўғрисида қисқача маълумот бериб ўтамиз: **Дифтерия** - ўткир инфекция касаллиги (бўгма) бўлиб, кўпинча болаларда учрайди ва томоқ, бурун, хиқилдоқ ёки кўзнинг яллиғланиши билан бошланади. Кўзгатувчиси — дифтерия бактерия таёқчаси



хисобланади. Бу касаллик одатда бемордан ёки бактерия ташувчидан ҳаводан йўталганда ёки акса урганда ва буюмлар орқали юқади.

Қоқшол - одам ва ҳайвонларда учрайдиган ўткир инфекция касаллиги. Ушбу касалликни бацил бактериялари кўзгатади. Организмга асосан шикастланган тери ёки шиллиқ пардалар орқали киради.

Шуниси қизиқки, бу касалликларнинг асосий белгилари кўринадиган жойлар (қоқшол касаллигида асаб системаси издан чиқса, бўгмада юрак-қон системасида оғир етишмовчилик юз беради) организмнинг касалланган жойлари билан боғлиқ эмас эди. Бу соҳада дастлабки фикрларни ўз вақтида Пьер Ру (Франция) ва Фридрих Лефлер (Олмон)лар билдирган эдилар. Улар яратган илмий ғояларни янги натижалари билан бойитган Э.Беринг қоқшол ва бўгма касалликлари ҳосил қиладиган захарли моддаларнинг кучини йўқотиш ушбу касалликларни даво-

Nobel mukofoti sohiblari

лашнинг асоси эканлигини кўрсатиб берди. 1890 йили гигиена институтида Э.Беринг ўз ҳамкасби япониялик тиббиётчи-олим Сибасабуру Китасато билан биргаликда қоқшолга қарши эмланган кўён ва сичқонлар устида олиб борган амалий тажрибалар натижалари асосида бир қатор янги кашфиётлар яратдилар. Шундай қилиб касалланган организмдаги захарли токсинларни зарарсизлантиришнинг асосий омилларидан бири шу организмда эмлаш йўли билан ундаги касалликка қарши ҳосил бўладиган иммунитетни кучайтиришдир. Шу йўл билан оғир касалликка чалинган беморларни ўз вақтида даволаш бўйича янги усул-

мақсадда у 1894 йилдан бошлаб ўз фаолиятини Марбург университетиде давом эттирди. Янги антитоксин моддалари асосан бемор болаларни ўша пайтда бедаво ҳисобланган бўгма касаллигидан даволашда муваффақиятли қўллана бошланди. Лекин антитоксинлар бошқа организмларда тайёрлаб олингани боис, улар одатда болалар танасида пассив иммунитет ҳосил қилади. Натижада уларнинг антитоксин таъсири қисқа вақт давом этар ва бу эмлашни касаллик бошланиши биланоқ ўтказиш зарур эди. Бу эса ўз навбатида касалликни даволаш жараёнида бирмунча қийинчиликлар туғдирар эди. Бу нарса иқтидорли олимни қаттиқ ташвишга солар эди ва у етарли тиббий талабларга тўла жавоб бера оладиган антитоксин моддасини яратишга астойдил киришди. Ва ниҳоят Э.Беринг ўзи орзу қилган ва касалликка қарши актив иммунитет ҳосил қилувчи моддани ажратиш олишга эришди.

1901 йили Эмил фон Берингга тиббиёт ва физиология соҳасидаги биринчи Нобел мукофоти берилди. У бу олий мукофотга тиббиёт соҳасидаги яратган кашфиётлари ва уларни дифтерия (бўгма) касаллигини даволашда муваффақиятли тadbик этгани учун сазовор бўлди.

Кейинчалик Э.Беринг сил касаллигининг келиб чиқиши ва уни даволаш борасида ҳам илмий ишлар олиб борди ҳамда бу йўналишда ҳам бир қатор илмий мақола ва рисоалар эълон қилди. Унинг асосий ишларидан бири инсонларда ва йирик ҳайвонларда учрайдиган сил касалликларининг умумийлигини ўрганишдан иборат бўлди.

У 1896 йили Берлин ҳарбий касалхонаси директорининг қизи бўлмиш Эльза Спинолага уйланди. Уларнинг оиласида олти ўғил туғилди.

Нобел мукофотини олиш бўйича тиббиётчи олимларга йўлбошчи бўлган Эмил фон Беринг 1917 йил 31 март куни Марбург шаҳрида дунёдан кўз юмди.

Абдумажит ТўРАЕВ, Иброҳим ҚАРИМОВ, Ўзбекистон Физика жамияти хайъати аъзолари

ИККАЛА ТОМОНДАН ХАМ ТАЛОФАТ БОР

Курчалоев туманининг Бачи-Юрт қишлоғи яқинида Россия федерал кучлари кўп сонли жиноятчиларни йўқ қилишди. Чеченис-



тондаги сўнги жанглар вақтида эса 30 нафардан ортиқ ҳарбийлар ҳалок бўлишган. Бу ҳақда "Известия" газетаси муҳбирига Чеченистондаги федерал кучлар қўмондонларидан бири айтган. Ундан аввалроқ эса Россия ҳукумати қурбонлар сони 6 нафар дея маълум қилган эди. Маълумотларга кўра, биргина Веденодаги федерал колоннага уқштирилган ҳужум вақтида ҳам бир неча аскар ҳалок бўлган.

БУШ ИРОҚНИ ОҒОҲЛАНТИРДИ

АҚШ президенти Жорж Буш Саддам Ҳусайнни, агарда Ироқ ҳудудига БМТ инспекторларини киритишига рўхсат бермаса, Бағдоддаги ҳукмрон



ҳокимиятга қарши чоралар қўлланади, дея оғоҳлантирди. "Умид қиламанки, Саддам Ҳусайн инспекторларга рўхсат беради. Биз унинг оммавий қирғин қуролини ишлаб чиқаришини ёки чиқармаётганлигини билмоқчимиз. У бизда бундай қуроллар тайёрланмайди, дея айтган эди. Бор ёки йўқлигини дунё кўриши керак" деди Буш.

Интернет хабарлари асосида халқаро журналистика факультети 112-гуруҳ талабалари тайёрлади.

Душанба, 21

«Ўзбекистон» телеканали
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон». 8.00-8.45 «Тахлинома». 8.45, 17.55 ТВ-маркет. 8.50 «Камалак». 9.25, 11.35 ТВ-метео. 9.30 «Туртинчи ҳокимият». 9.50 «Ўзбектеелефильм» намоиши: «Кўёшли улкам». 10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар. 10.05 «Гугурта кетиб». Бадий фильм. 11.40 «Рангин дунё». 12.05 Дони Зокиров номидаги халқ чолгу оркестрининг концерти. 12.30 «Якма-якка жанг». Спорт дастури. 12.50, 13.55, 16.00 ТВ-анонс. 12.55 «Балли, раислар!». Телемусобака. 14.10 «Олтин тож». Телевизион ўйин. 14.35 Кундузги сеанс: «Жаҳонгашта рицарь». Бадий фильм. 1-қисм. 16.05 «Бир зумда». 16.15 «Тиммушук». Мультфильм премьераси. 16.25 «Ягона оилада». 16.55 ТВ тарти. «Соғинч». 17.10 «Бу ажиб фасл». Телевизион ўйин. 17.35 Болалар учун. «Фламинго». 18.10 «Опоқ олам қўшиқлари». 18.45 «Бахтли воқеа». Телелотерея. 19.30 «Ахборот» (рус тилида) 20.00 Оқшом эртаклари. 20.15 Биржа ва банк хабарлари. 20.30 «Ахборот».

«Ёшлар» телеканали
Профилактика муносабати билан душанба 21 январь кuni «Ёшлар» телеканали курсатувлари соат 15.00 да бошланади.

15.05 «Давр» ҳафта ичиди. 15.35 «Учинчи сайёра» маърифий дастури. 16.25 «Автосалтанат». 16.40 «Зинама-зина». 17.10 Спорт ҳафтаномаси. 17.25 Курсатувлар дастури. 17.30 «Янги авлод» почтаси: «Билагон маслаҳати». 18.00 «Ака-ука Гримм эртаклари». Мультсериал. 5-қисм. 18.25 Оқшом навалари. 18.35 Узбегим кураши. 18.55, 21.55 Иқлим. 19.00 «Давр». Ахборот дастури. 19.30 «Иктисод-news». 19.40 «Тафаккур ёлқинлари». Ўзбекистон республикасининг референдуми олдидан. 20.00 Бир жуфт қўшиқ. 20.10 Ёшлар овози. 20.35 «Асрга тенгдош хотиралар». Бадий фильм. 1-қисм. 21.25 XX аср шеърятидан. Ойбек. 21.30 Қўшлоқдаги тенгдошим. 21.50 Олтин мерос. 22.00 «Давр». Ахборот дастури. 22.30 «Иктисод-news». 22.40 «Мухаббат қаҳваси». Телесериал. 23.05 «Ёшлар» телеканалда спорт: Интерфутбол. Танаффус пайтида. 23.50 «Давр». Ахборот дастури. 00.50-00.55 Хайрли тун!

«Тошкент» телеканали
17.20 Болажонлар экрани. «Галгамет». 1-қисм. 18.10 «Сермухаббат қарга». «Қайтиб келгунимча». Мультфильмлар.

18.30, 20.00, 21.35, 22.30 «Пойтахт». Ахборот дастури. 18.45 ТТВда сериал: «Селеста, хамиша Селеста». 19.10 «Динозаврлар билан сайр». Хужжатли фильм. 3-қисм. 19.35, 21.05, 22.15 «Экспресс» телегазетаси. 19.50 «Авто-news». 20.20 ТТВда сериал: «Қайсар ва довораклар». 21.20 «Ёшлар карнавали». 21.50 Киносовға. 22.50 Кинонигоҳ. «Есения». 1-қисм.

«Халқаро» телеканал
17.00 Курсатувлар тартиби. 17.05 «Вести». 17.30 «Каменская». Сериал. 18.20 «Бугун оламда». Ахборот курсатуви.

18.30 М. Евдокимов ҳузуриди меҳмонда. 19.00 «Мени кутти». 20.00 «Ким миллионер бўлишни истидаиди?». 21.00 «Время». 21.40 «Қалб қанотлари». Сериал. 22.20 «ТВ-Да немис тўлкини». 22.40 Француз киноси кунлари: «Момо». Бадий фильм. 00.10 «Ахборот» (рус тилида)

Сешанба, 22

«Ўзбекистон» телеканали
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот». 8.40 Газеталар шарҳи. 8.55 «Ўзбектеелефильм» намоиши: «Кошона». 9.35, 10.35 ТВ-метео. 9.40 «Музыка бустони». 10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар. 10.05 Алифбо сабоқлари. 10.25 Биржа ва банк хабарлари. 10.40 «Еввойи оқушлар». Бадий фильм. 12.05 «Париси бор уй». 12.40 «Уйла, Изла, Топ!». Телемусобака. 13.20 «23, 5 даражали бурчак остида». Телесериал. 60-қисм. 13.45 «Спорт, спорт, спорт!». 14.10 «Қишлоқ ҳаёти». 14.30 Кундузги сеанс: «Жаҳонгашта рицарь». Бадий фильм. 2-қисм. 15.20 Эстрада тароналари. 15.40 «Ифтихор». 16.00 «Меҳрибон тулки». Мультфильм премьераси. 16.25 Ўзбекистон халқ артистлари. 16.55 «Ватанимга хизмат қиламан». 18.10 Болалар учун. «Санъат гунчалари». 18.30 «Баркамол авлод орузи». 18.45 «Инсон ва қонуни». 19.05 «Мулк». 19.30 «Ахборот» (рус тилида) 20.00 Оқшом эртаклари. 20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида) 20.30 «Ахборот». 21.05 27 январь - Умумхалқ референдуми. «Сибсат оламида». 21.25 Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар. 22.00 «Ўзбекистон» каналда илк маротаба: «Ошин». Телесериал премьераси. 60-қисм. 22.30 «Мувозанат». 23.00 «Ахборот - дайжест».

«Ёшлар» телеканали
8.55 Курсатувлар дастури. 9.00 «Давр». Ахборот дастури. 9.15 «Ака-ука Гримм эртаклари». Мультсериал. 5-қисм. 9.40 «Янги авлод» почтаси. «Билагон маслаҳати».

10.10 «Бизнес-академия». 10.25 Мусликий лаҳзалар. 10.35 Саломатлик сирлари. 10.55 Ёшлар овози. 11.15 «Асрга тенгдош хотиралар». Бадий фильм. 1-қисм. 12.00 Олов билан юзма-юз. 12.15 Интерфутбол. 13.50 «Мультмоша». 14.05 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». 14.50 ТВ-саҳнат. 15.10 «Аёллар тангоси». Бадий фильм. 16.30 Қўёшли юрт одамлари. 16.40 Курсатувлар дастури. 16.45 «Янги авлод» студияси: Келинг танишайлик! Дунё ва болалар. 17.15 «Ака-ука Гримм эртаклари». Мультсериал. 6-қисм. 17.40 Таянч. 17.55 Олтин мерос. 18.00 Ватан манзаралари. 18.20 Автопанорал. 18.40 Оқшом навалари. 18.55, 21.55 Иқлим. 19.00 «Давр». Ахборот дастури. 19.30 «Иктисод-news». 19.40 Давр-интервью. 19.55 Ёшлар навалари. 20.10 Марду майдон. 20.35 «Асрга тенгдош хотиралар». Бадий фильм. 2-қисм. 21.25 XXI аср шеърятидан. 21.30 Ёшлар овози. 21.50 Олтин мерос. 22.00 «Давр». Ахборот дастури. 22.30 «Иктисод-news». 22.40 «Мухаббат қаҳваси».

«Тошкент» телеканали
17.20 Болажонлар экрани. «Галгамет». 2-қисм. 18.05 «Маслэнкалик бузоқча». Мультфильм.

18.30, 20.00, 22.00, 22.45 «Пойтахт». Ахборот дастури. 18.45 ТТВда сериал: «Селеста, хамиша Селеста». 19.10 «Динозаврлар билан сайр». Хуж. фильм. 4-қисм. 19.35, 21.05, 22.20 «Экспресс» телегазетаси. 19.50 Катталар учун мультфильм. 20.20 ТТВда сериал: «Қайсар ва довораклар». 21.20 «Аёл-она, мураббий, раҳбар» телеклуби. 21.50 «Туризм ҳақида». 22.55 Кинонигоҳ. «Ойлавий шаройтга кўра». 1-қисм.

«Халқаро» телеканал
РЖТ 7.30-9.00

17.05 «Вести». 17.30 «Каменская». Сериал. 18.20 «Бугун оламда». 18.30 Машҳурлар. Шон-шухрат синовиди. 19.00 «Мухаббат замини». Сериал. 19.55 «Сунгги қаҳрамон». 21.00 «Время». 21.35 «Қалб қанотлари». Сериал. 22.15 «CNN шоу». 22.30 Француз киноси кунлари: «Фан-фан мухаббат атри». Бадий фильм. 00.05 «Ахборот» (рус тилида)

Чоршанба, 23

«Ўзбекистон» телеканали
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот». 8.35, 17.55 ТВ-маркет. 8.40 Газеталар шарҳи. 8.55 «Ўзбектеелефильм» намоиши: «Соз сеҳри». 9.15 ТВ-метео. 9.20 «Ўзбектеелефильм» намоиши: «Хонобод». 9.30 «Сибсат оламида». 9.50 Тиббиёт одимлари. 10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар. 10.05 «Мулк». 10.25 «Ноқдаун». Бадий фильм. 11.35 Болалар учун. «Санъат гунчалари». 12.05 «Инсон ва қонуни». 12.25 «Эртаклар - ахшиликка этаклар». 13.15 «Баркамол авлод орузи». 13.30 «Ошин». Телесериал. 14.10 «Остонаси тиллодан». 14.40 Кундузги сеанс: «Жаҳонгашта рицарь». 3-қисм. 15.30 «Қувнок шаҳарча». Телевизион ўйин. 16.05 «Ягона оилада». 16.35 «Ўзбекистон: XXI аср ёшлари». 16.55 «Мувозанат». 17.25 Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар. 18.10 «Эшлик шиддати». 18.30 «Аёл - дунёни тебратар». Бадий-публицистик курсатув. 18.45 «Умирлар бўладики». 19.05 «Тафсилот». 19.30 «Ахборот» (рус тилида) 20.00 Оқшом эртаклари. 20.15 «Бир жуфт қўшиқ». 20.30 «Ахборот». 21.05 27 январь - Умумхалқ референдуми. «Парламент вақти». 21.25 «Ўзбекистон - Ватаним маним». 22.00 «Спорт, спорт, спорт». 22.10 «Ўзбекистон» каналда илк маротаба: «Ошин». Телесериал премьераси. 22.40 «ТВ-клуб». 23.05 «Ахборот - дайжест».

«Ёшлар» телеканали
9.00 «Давр». Ахборот дастури. 9.15 «Янги авлод» студияси: Келинг танишайлик, Дунё ва болалар.

9.45 «Ака-ука Гримм эртаклари». Мультсериал. 6-қисм. 10.10 Давр-интервью. 10.25 Ёшлар овози. 10.45 Таянч. 11.00 «Асрга тенгдош хотиралар». Бадий фильм. 2-қисм. 11.45 Мусликий лаҳзалар. 11.50 Хайрат. 12.10 «Учувчининг парвози». 13.35 Монте-Карлодаги цирк фестивали. 1 қисм. 14.25 «Ёшлар» телеканалда спорт: Теннис. 15.05 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». 15.50 Автопанорал. 16.10 «Мовий тоғлар ёки ҳақиқатдан узок воқеа». 17.40 Уйна, болажон, уйна. 17.55 «Янги авлод» студияси: Оқ кабутар, Кичкинтой театри. 18.20 Далил ва шарҳ. Ўзбекистон республикасининг референдуми олдидан. 18.35 Оқшом навалари. 18.45 Каталог. 18.55, 21.55 Иқлим. 19.00 «Давр». Ахборот дастури. 19.30 Иктисод-news. 19.35 ТВ-анонс. 19.40 Сират. 20.00 Спорт-лотто. 20.10 Очил дастурихон. 20.30 Мусликий лаҳзалар. 20.40 «Умр дафтари». 1-қисм. 21.00 «Учинчи сайёра» маърифий дастури. 21.30 Чемпион сирлари. 21.50 Олтин мерос. 22.00 «Давр». Ахборот дастури. 22.30 Иктисод-news. 22.40 «Мухаббат қаҳваси». 23.05 «Ёшлар» телеканалда спорт: Интерфутбол. 23.50 «Давр». Ахборот дастури.

«Тошкент» телеканали
17.20 «Санта-Барбара». 18.00 Болажонлар экрани. «Денгиз итлари». 5-қисм. 18.25 Мультфильм.

18.30, 20.00, 21.35, 22.35 «Пойтахт». Ахборот дастури. 18.45 ТТВда сериал: «Селеста, хамиша Селеста». 19.10 «Динозаврлар билан сайр». Хужжатли фильм. 5-қисм. 19.35, 21.05, 22.20 «Экспресс» телегазетаси. 19.50 Катталар учун мультфильм. 20.20 ТТВда сериал: «Қайсар ва довораклар». 21.20 «Аёл-она, мураббий, раҳбар» телеклуби. 21.50 «Туризм ҳақида». 22.55 Кинонигоҳ. «Ойлавий шаройтга кўра». 1-қисм.

«Халқаро» телеканал
РЖТ 7.30-9.00

17.05 «Вести». 17.30 «Каменская». Сериал. 18.20 «Бугун оламда». 18.30 Машҳурлар. Шон-шухрат синовиди. 19.00 «Мухаббат замини». Сериал. 19.55 «Сунгги қаҳрамон». 21.00 «Время». 21.35 «Қалб қанотлари». Сериал. 22.15 «CNN шоу». 22.30 Француз киноси кунлари: «Чорасиз сеғми». 24.00 «Ахборот» (рус тилида)

Пайшанба, 24

«Ўзбекистон» телеканали
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот». 8.40 Газеталар шарҳи. 8.55 «Ўзбектеелефильм» намоиши: «Бухоро». 9.10, 11.30 ТВ-метео. 9.15 «ТВ-клуб». 9.40 «Эшлик шиддати». 10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар. 10.05 «Қуошқондан чиққанда». Бадий фильм. 11.15 «Аёл - дунёни тебратар». Бадий-публицистик курсатув. 11.35 «Кўён оганикида ҳовли тўйи». Мультфильм. 11.55, 12.30, 17.00 ТВ-анонс. 12.05 Болалар учун. «Қўшигимиз жон қўшиғим». 12.35 «Умирлар бўладики». 12.55 «Спорт, спорт, спорт». 13.05 «Театр ва музика». 13.30 «Ошин». Телесериал. 14.10 «Ринг». Спорт дастури. 14.30 «Жаҳонгашта рицарь». Бадий фильм. 4-қисм. 15.20 «Яшил чироқ». 15.50 «Тафсилот». 16.10 «Экспедиция». 29-қисм. 17.05 «Ўзбекистон бастакорлари». 17.30 «Тимсоҳ ва шер исканжасида». Мультфильм. 17.40 «Харита». Халқаро шарҳ. 18.10 «Бешбармоқ». 18.30 «Яши ният». 19.05 «Инсон ва қонуни». 19.30 «Ахборот» (рус тилида) 20.00 Оқшом эртаклари. 20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида) 20.30 «Ахборот». 21.05 27 январь - Умумхалқ референдуми. «Бугуннинг гапи». 22.00 «Таблим тараққиёти». 22.20 «Спорт, спорт, спорт». 22.30 «Ўзбекистон» каналда илк маротаба: «Ошин». Телесериал премьераси. 23.00 «Қадрият». 23.30 «Ахборот - дайжест».

«Ёшлар» телеканали
9.00 «Давр». Ахборот дастури. 9.15 «Янги авлод» студияси: Оқ кабутар, Кичкинтой театри.

9.45 «Ака-ука Гримм эртаклари». Мультсериал. 7-қисм. 10.00 Спорт китаси. 10.30 Сенинг вақтинг. 10.50 Жаҳон жуғрофияси. 11.40 Далил ва шарҳ. Ўзбекистон республикасининг референдуми олдидан. 11.55 Мусликий лаҳзалар. 12.05 Интерфутбол. 13.40 Сират. 14.00 Монте-Карлодаги цирк фестивали. 2-қисм. 14.50 Ватан манзаралари. 15.10 Олтин мерос. 15.15 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Самарқанд. 16.00 «Ўзбекистон дурдоналари». Самарқанд. 16.10 Пайрақ ёшлари. 16.20 «Учинчи сайёра» маърифий дастури. 17.10 Курсатувлар дастури. 17.15 «Янги авлод» студияси: Катта танаффус. 17.40 «Ака-ука Гримм эртаклари». 7-қисм. 18.25 Таботат оламида. 18.45 Оқшом навалари. 18.55, 21.55 Иқлим. 19.00 «Давр». Ахборот дастури. 19.30 Иктисод-news. 19.35 Ёшлар овози. 19.55 Мусликий лаҳзалар. 20.00 Аср қиёфаси. Ўзбекистон республикасининг референдуми олдидан. 20.20 «Умр дафтари». Мутал Бурхонов. 3-қисм. 20.40 «Асрга тенгдош хотиралар». Бадий фильм. 4-қисм. 21.30 Аскар мактублари. 21.50 Олтин мерос. 22.00 «Давр». Ахборот дастури. 22.30 Иктисод-news. 22.40 «Мухаббат қаҳваси». Телесериал.

«Тошкент» телеканали
17.20 «Санта-Барбара». 18.00 Болажонлар экрани. «Денгиз итлари». 7-қисм. 18.25 Мультфильм.

18.30, 20.00, 21.50, 22.35 «Пойтахт». Ахборот дастури. 18.45 ТТВда сериал: «Селеста, хамиша Селеста». 19.10 «Динозаврлар билан сайр». 6-қисм. 19.35, 21.05, 22.20 «Экспресс» телегазетаси. 19.50 Катталар учун мультфильм. 20.20 ТТВда сериал: «Қайсар ва довораклар» (якуловчи). 21.20 «Хамшаҳарлар». 22.25 Кинонигоҳ. «Ажойиб қиз». 22.05 «Этиккод». 22.55 Кинонигоҳ. «Ойлавий шаройтга кўра». 2-қисм.

«Халқаро» телеканал
РЖТ 7.30-9.00

17.05 «Вести». 17.30 «Каменская». Сериал. 18.20 «Бугун оламда». 18.45 «Гузалик ва мангулик ҳақида». 19.00 «Мухаббат замини». Сериал. 19.05 «Мухаббат замини». 20.05 «Бўш халқа». Шоу ўйин. 21.00 «Время». 21.35 «Қалб қанотлари». Сериал. 22.15 «Кун мавзуси». 22.30 Француз киноси кунлари: «Дарахдаги болалар». 24.00 «Ахборот» (рус тилида)

Жума, 25

«Ўзбекистон» телеканали
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот». 8.35, 17.55 ТВ-маркет. 8.40 Газеталар шарҳи. 9.00 «Олтин мерос». 9.25, 10.25 ТВ-метео. 9.30 «Баликчи ва олтин балиқ ҳақида эртак». Мультфильм. 10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар. 10.05 «Ийлар ва йўллар». 10.30 «Қор маликаси». Бадий фильм. 12.05 «Бугуннинг гапи». 12.25 «Бешбармоқ». 12.45 «Инсон ва қонуни». 13.05 «23, 5 даражали бурчак остида». Телесериал. 61-қисм. 13.30 «Қўшигимиз сизга армуғон». 14.10 «Озод юрт одамлари». Бадий-публицистик курсатув. 14.30 Кундузги сеанс: «Жаҳонгашта рицарь». Бадий фильм. 5-қисм. 15.30 «Рухият манзаралари». 16.10 «Моҳият». 16.35 «Нафосат гулшани». 17.00 «Фарзандим жаригандим». 17.35 «Нурли манзиллар». 17.80 «Хидоят сари». 18.30 «Омад қувончи». Телелотерея. 19.10 27 январь - Умумхалқ референдуми: «Фуқаролик бурчи». 19.30 «Ахборот» (рус тилида) 20.00 Оқшом эртаклари. 20.15 «Бир жуфт қўшиқ». 20.30 «Ахборот». 21.05 27 январь - Умумхалқ референдуми. «Сибсат оламида». 21.25 Санъат усталари ва ёш ижрочилар концерти. 22.00 «Таблим тараққиёти». 22.20 «Спорт, спорт, спорт». 22.30 «Ўзбекистон» каналда илк маротаба: «Ошин». Телесериал премьераси. 23.00 «Қадрият». 23.30 «Ахборот - дайжест».

«Ёшлар» телеканали
9.00 «Давр». Ахборот дастури. 9.15 «Янги авлод» студияси: Катта танаффус.

9.40 «Ака-ука Гримм эртаклари». Мультсериал. 7-қисм. 10.05 Уйна, болажон, уйна. 10.20 «Давр»-интервью. 10.35 Мусликий лаҳзалар. 10.45 Ёшлар овози. 11.05 «Асрга тенгдош хотиралар». 3-қисм. 11.50 Бегойим. 12.10 Болалар экрани. «Мио, Болагим, Мио». 13.45 Интерфутбол. 15.20 Очун. 15.45 «Уйна». Бадий фильм. 17.25 «Янги авлод» студияси: «Болалинг тили», «Олтин калит». 17.55 «Мультмоша». 18.10 «Ватан равнақи йўлида». Видеофильм. 18.30 Автосалтанат. 18.45 Оқшом навалари. 18.55, 21.55 Иқлим. 19.00 «Давр». Ахборот дастури. 19.30 Иктисод-news. 19.35 Ёшлар овози. 19.55 Мусликий лаҳзалар. 20.00 Аср қиёфаси. Ўзбекистон республикасининг референдуми олдидан. 20.20 «Умр дафтари». Мутал Бурхонов. 3-қисм. 20.40 «Асрга тенгдош хотиралар». Бадий фильм. 4-қисм. 21.30 Аскар мактублари. 21.50 Олтин мерос. 22.00 «Давр». Ахборот дастури. 22.30 Иктисод-news. 22.40 «Мухаббат қаҳваси». Телесериал.

«Тошкент» телеканали
17.20 «Санта-Барбара». 18.00 Болажонлар экрани. «Денгиз итлари». 7-қисм. 18.25 Мультфильм.

18.30, 20.00, 21.35, 22.05 «Пойтахт». Ахборот дастури. 18.45 ТТВда сериал: «Селеста, хамиша Селеста». 19.10 «Динозаврлар билан сайр». 7-қисм. 19.35, 21.05, 21.50 «Экспресс» телегазетаси. 19.50 «Авто-news». 20.20 ТТВда сериал: «Қайсар ва довораклар» (якуновчи). 21.20 «Хамшаҳарлар». 22.25 Кинонигоҳ. «Ажойиб қиз».

«Халқаро» телеканал
РЖТ 7.30-9.00

17.05 «Вести». 17.30 «Каменская». Сериал. 18.20 «Бугун оламда». Ахборот курсатуви. 18.30 «Мультмоша». 18.45 «Гузалик ва мангулик ҳақида». 19.00 «Мухаббат замини». Сериал. 19.05 «Мухаббат замини». 20.00 «Муъжизалар майдони». 21.00 «Время». 21.35 «Қалб қанотлари» Сериал. 22.15 «Дурдаршан». 22.35 Кинонигоҳ олтин асри: «Гуна». Бадий фильм. 00.25 «Ахборот» (рус тилида)

Шанба, 26

«Ўзбекистон» телеканали
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот». 8.40 Газеталар шарҳи. 8.55 «Ўзбектеелефильм» намоиши: «Ургутлик кулол». 9.05, 10.50 ТВ-метео. 9.10 «Хидоят сари». 9.30 «Қадрият». 10.00 «Ура». «Кутлуг қадам». Қиска метражли бадий фильмлар премьераси. 10.55 «Маърифат». Телеаль-манаҳ. 11.15 «Спорт, спорт, спорт». 11.25 «Дирк, цирк, цирк». 11.45 Уз ТВ хазинасидан. В. Шекспир. «Кариолан». 13.45 Санъат усталари ва ёш ижрочилар концерти. 14.15, 15.20, 15.50 ТВ-анонс. 14.20 ТВ-1 кинотеатри: «Шарқий экспрессдаги қотиллик». Бадий фильм. 1-қисм. 15.25 «Талабалик йилларим». 15.55 «Ягона оилада». 16.25 «Шарқий экспрессдаги қотиллик». 2-қисм. 17.30 «Қоракалпоқнома». 17.55 «Бир зумда». 18.05 Болалар учун. «Митти-войлар оиласи». 18.25 «Ўзбекистон ифтихорлари». Спорт дастури. 18.45 «Рангин дунё». 19.05 «Қишлоқ ҳаёти». 19.30 «Ахборот» (рус тилида) 20.00 Оқшом эртаклари. 20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида) 20.30 «Ахборот». 21.05 «Санъатта бахшида умр» таңга. 21.30 «Иш билганга - минг таңга». «Тунги ёғду» дам олиш кинодастури. 22.10 «Элвис ва мен». Бадий фильм. 1-қисм. 23.30 «Ахборот - дайжест».

«Ёшлар» телеканали
9.00 «Давр тонги». 9.00 «Янги авлод» студияси: Болалинг тили, Олтин калит.

9.30 «Мультмоша». 9.45 Таботат оламида. 10.05 Аср қиёфаси. 10.25 Мусликий лаҳзалар. 10.35 Ёшлар овози. 10.55 «Асрга тенгдош хотиралар». Бадий фильм. 4-қисм. 11.40 Мусликий лаҳзалар. 11.50 «Ёшлар» телеканалда спорт: Ринг қироллари. 12.50 Қишлоқдаги тенгдошим. 13.10 Вилотлар ёш хонадалари куйлайди. 13.30 «Ёшлар» телеканалда спорт: Теннис. 14.10 «Ўзбекистон дурдоналари». Бухоро. 14.20 «Умр дафтари». Тургун Алиматов. 1-қисм. 14.50 Олтин мерос. 14.55 «Ер-ёр». Бадий фильм. 16.00 Курсатувлар дастури. 16.05 «Янги авлод» студияси: У ким? Бу нима? 16.25 Мультфильм. 17.35 Бола тилидан. 18.05 Ёшлар овози. 18.25 Оқшом навалари. 18.35 Лаззат. 18.55, 21.55 Иқлим. 19.00 «Давр». Ахборот дастури. 19.35 Каталог. 19.45 Давр-интервью. 20.00 Мусликий лаҳзалар. 20.05 Футбол-плюс. 20.25 «Қадрият». 20.50 «Сени излаб». Телевизион бадий фильм. 21.30 Қутлимган меҳмон. 21.50 Олтин мерос. 22.00 «Давр». Ахборот дастури. 22.35 Тунги тароналар. 22.45 Кинотакдим. 23.05 «Менинг қизим бор». Бадий фильм.

«Тошкент» телеканали
17.20 Болажонлар экрани. «Само қирол».

18.55 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам». 19.15, 21.10, 22.20 «Экспресс» телегазетаси. 19.15 «Телефакт». 19.25 «Спорт-тайм». 20.00 «Пойтахт». Махсус сон. 20.15 «Радиус 21». 20.40 «Жаҳон жуғрофияси». 21.30 М. Бобоев. «Кўнгил кўчалари». 48-қуй. 22.25 Кин

Спорт — катта кичик, барча бирдай қизиқадиган, инсонни жисмонан чиниктирадиган, руҳий ва маънавий озуқа берадиган, ўзига ишончни мустаҳкамлайдиган, интилиш, иштиёқ, ички имкониятларини юзага чиқарадиган машғулот. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда кейинги йилларда спортнинг оммавийлиги, ҳаёт тарзимизга тобора чуқурроқ кириб боришига алоҳида аҳамият берилмоқда. Бу борада амалга оширилаётган тадбирлар, турли-туман оммавий мусобақалар қўлами йилдан-йилга кенгайиб, янги шакл ва мазмун касб этмоқда. Бир ҳафта мобайнида 5-7-синфлар ўртасида қизгин давом этган "Умид ниҳоллари" спорт ўйинларининг вилоят босқичи мусобақаларини кузатар эканман, кўнглимдан беихтиёр ана шундай фикрлар кечди.

— Қаранг, фақат шахмат ўйнаётганларнинг эмас, атрофдаги мухлис ва томошабинларнинг нигоҳлари ҳам тахтага қадалган, бутун фикри-зикри ўйин билан банд, — деди ҳамроҳим, вило-



қўли устун келди.

— Биласизми, мана бу йигитча Ўзбекистон чемпиони, — дея менга таништирди Собир Камолов нигоҳларида қувонч, беғуборлик акс этиб турган Равшан Хамроевни ғалаба билан қутлар экан. — Ўтган йилнинг охирида болалар ўртасида Тошкентда бўлиб ўтган шахмат бўйича республика биринчилигида ишончимизни оқлаб, юзимизни ёруғ қилди.

Бу гапларни кўча-кўйда, Равшаннинг иқтидор ва интилишларидан беҳабар кишига айтгудай бўлсангиз, жуссаси ёшига нисбатан кичикроқ, эндигина ўн ёшга қадам қўйган болага қараб таажжубланиши, эшитганларига унчалик ишонқирамаслиги мумкин. Лекин ҳеч муболағасиз, мамлакатимизда спортга бўлган

сил олишига, беллашувларда чиниқиши ва эл назарига тушишига имкон берди. Сирасини айтганда, биргина Равшаннинг эмас, Равшан сингари ўнлаб, юзлаб спорт оламига шунчаки хавас, болаларча қизиқиш билан тетапоя қадам қўйган навқирон замондошларимиз ана шундай мусобақалар туфайли маҳорат оширмоқдалар, катта спортга илк дадил қадамларини қўймоқдалар. Болалик орзулари қатъий мақсадга айланиб, секин-аста рўёбга чиқиб бормоқда. Ишончим комилки, "Умид ниҳоллари" яна қанчадан-қанча ёш истеъдод эгаларининг илк парвозига қанот бағишлайди, ўз олдларига янада аниқроқ мақсадлар қўйишларига, спорт ҳаётларининг мазмунига айланишига тўртки беради.

Кўпчилик мусобақаларда Бухоро шаҳри вакиллари биринчи ўринни эгаллашмоқда. Стол тенниси (жамоа 15-, 18-мактаблар ўқувчиларидан таркиб топган), футбол (23-мактаб), баскетбол (ўғил болалар ва қизлар 2-, 8-, 32-мактаблар), шахмат

БАЙРОҚ КЎТАРИЛДИ

Ўттиз йилдирки, республика камиз мактабларида "Қувноқ стартлар" телевизион мусобақалари спортни оммалаштиришнинг муҳим воситаси сифатида хизмат қилиб келаётир. Республика телевидениеси орқали намойиш этиб келинаётган эшиттиришларни ўқувчи ёшларгина эмас, миллионлаб катта ёшдаги спорт мухлислари ҳам томоша қилишади.

Ўтган сешанба куни пойтахтимиздаги 110-мактабнинг спорт зали ҳар қачонгидан ҳам гавжум бўлди.

Мазкур мактабнинг ўқувчилари, ота-оналар жамоатчилиги вакиллари, Самарқанд ва Жиззах вилоятларидан келган мухлислар Жиззах вилоятининг Дўстлик туманидаги 4-мактабнинг "Орзу" ва Самарқанд вилоятининг Паст Дарғом туманидаги 25-мактабнинг "Ниҳол" командаси ўртасида XIX республика "Қувноқ стартлар" телевизион мусобақасини томоша қилишга келишди. Мусобақа олдида пойтахт спорт мактаблари талабаларининг қўрғазмалли чиқишлари байрамга файз киритди.

Ўзбекистон "Ёшлик" КСЖ Марказий кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Мирсардор Алимов XIX республика телевизион мусобақаси саралаш учрашуви қатнашчиларини бошланаётган спорт байрами билан муборакбод этиб, омад ва улкан зафарлар тилади ва мусобақани очиқ деб эълон қилди. Ўзбекистон Давлат гимнази садолари остида мусобақа байроғи кўтарилиди. Одатдагидек, Жиззах ва Са-

марқанд вилояти ўқувчиларининг спорт беллашувлари ҳам кескин ва мurosасиз кураш билан бошланди. Дастурнинг "Биринчи синов" деб аталган мусобақасида "Орзу" командаси ғалаба қозониб, 3 очкони қўлга киритди. "Ниҳол" командасига эса 1 очко берилди. Иккинчи баҳсда ("Тўп саватда") "Ниҳол" ко-



Quvnoq startlar

мандаси ғалаба қозониб, очколар тенг (4:4) бўлди. Мусобақа дастуридан ўрин олган 13 та ўйин, эстафета ва конкурслар-

да ҳар икки томон спортчилари ўз маҳоратлари, чаққонлик ва ғалабага бўлган иродаларини намойиш этишди. Учрашувларнинг 6 тасида "Орзу" аъзолари ғалаба қозонишди. Айниқса дастурнинг еттинчи ("Кенгурулар тўп билан"), тўққизинчи ("Тахтачалар устида юриш"), ўн биринчи ("Қирқ тош") эстафета беллашувларида мусобақаларни намойиш этишди.

Дастурнинг учта конкурс мусобақаси ("Ким кўп айлантиради", "Ҳаводаги шарлар", "Моҳир футболчи") дурани натижа билан тугади. Арқон тортишда ("Ким кучли") "Ниҳол" командаси ғалаба қозонди. Қизиқарли ва дўстона вазиятда ўтган "Қувноқ стартлар" мусобақасида 26:19 ҳисобида ғалаба қозongan Дўстлик туманидаги 4-мактабнинг "Орзу" командаси иккинчи давра учрашувларида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Ф.МАННОПОВ

УЛАР ОРАСИДА ЧЕМПИОНЛАР ҲАМ БОР

ят "Ёшлик" кўнгли спорт жамияти раисининг ўринбосари, вилоятда "Умид ниҳоллари" спорт мусобақаларини ўтказиш бўйича масъул мутасаддилардан бири Собир Камолов шахмат бўйича биринчилик учун беллашувлар давом этаётган Бухоро шаҳридаги 4-болалар ва ўсмирлар спорт мактабидан бўлганимизда.

Ҳақиқатан ҳам сув қуйгандек жимлик ҳукм сурган залда мусобақанинг финал босқичида Гиждунов ва Бухоро шаҳри жамоалари куч синашарди. Дона сураётган ёш шахматчилар ўзаро тафаккур, билим, маҳорат ва тажриба, топқирлик баҳсига киришган, атрофдагилар табиийки, тахтада юзага келган вазиятни ўзлари-ча хаёлан таҳлил қилиб, сабр-сизлик билан қайси томоннинг қўли устун келиши мумкинлигини кузатишарди. Ниҳоят, узоқ давом этган ўйин 2,5:0,5 ҳисобида Бухоро шаҳри жамоаси фойдасига ҳал бўлди. Равшан Хамроев, Маъруф Мухторов ва Саодат Жўраевалардан таркиб топган ёш шахматчиларнинг

ридан беҳабар кишига айтгудай бўлсангиз, жуссаси ёшига нисбатан кичикроқ, эндигина ўн ёшга қадам қўйган болага қараб таажжубланиши, эшитганларига унчалик ишонқирамаслиги мумкин. Лекин ҳеч муболағасиз, мамлакатимизда спортга бўлган

(1-, 32-мактаблар), теннис (1-, 4-, 37-мактаблар) жамоалари шулар жумласидандир.

Албатта, ҳар бир тадбирнинг ўзига хос аҳамияти, сабоғи бор. "Умид ниҳоллари" болаларни бир-бири билан яқинлаштириб, дўстлаштирса, қатъиятлик, дадилликка ундаса, беллашувлар яқунлари умидли ёшларни аниқлаш, улар билан ишлаш, фаолият самардорлигини ошириш, қаерда қайси спорт турлари яхши тараққий этган, қайси турларига эса эътиборни кучайтириш кераклигини ойдинлаштиради. Шу нуқтаи назардан қараганда, таҳлиллар нафақат шахар ва туманлар марказлари, балки қишлоқ жойларидан ҳам навқирон авлоднинг спорт билан шуғулланишлари учун зарур моддий-техника базасини ҳар томонлама мустаҳкамлаш, шарт-шароитни ҳозиргидан ҳам яхшилаш кераклигини кўрсатади.

Жаҳонгир ИСМОИЛОВ,
«Маърифат»нинг
махсус мухбири



эътибор, айниқса, ёш авлод баркамоллигига эришиш йўлида қилинаётган гамхўрлик, мактаб ўқувчиларининг бутун Ўзбекистон бўйлаб бугун ҳамма жойда кенг қўламда давом этаётган "Умид ниҳоллари" мусобақалари унинг иқтидорини юзага чиқаришга, кучини синаб кўришга, чуқур амалий ва назарий таҳ-

ЕВГЕНИЙНИНГ ОМАДУ ЧОПМАДУ

Россиялик профессионал теннисчи Евгений Кафельников "Australian Open" турнирининг иккинчи давра ўйинларида америкалик Алекс Кимга ютқазиб қўйди. Мurosасиз кечган баҳсда Алекс Евгенийни - 6:3, 7:5, 6:3



ҳисобида мағлубиятга учратди. Ўйиндан сўнг интервью берган Кафельников: "Бу менинг теннис оламидаги энг катта муваффақиятсизлигимдир". деди. Боиси, Алекс Ким жаҳон ракетка усталари рейтингидан 234-ўринни эгалаб турибди.

ҚИРОЛ ЮБИЛЕЙ ЎТКАЗДИ

Куни кеча жаҳон бокси қироли Мухаммад Али 60 ёшга тўлди. Қисқача унинг ўтмишига назар солсак, афсонавий чарм қўлқоп устаси 1942 йил 17 январ куни АКШнинг Кентукки штатида дунёга келди. Ва 12 ёшидан боқс оламига қадам қўяди. 1960 йил унинг ҳаётида кескин бурилиш рўй бериб, 18 ёшли спортчи Римда ўтказилган Олимпия мусобақаларида илк чемпионликни қўлга киритди. Сўнгра кетма-кет рингдаги ғалабалари уни бутун дунёга маълуму машҳур қилди. Қиролнинг асл исми Кассиус Клей бўлиб, сўнгра у ислом динини қабул қилгач, ўз исмини ҳам ўзгартирди. Одатда у олдинда турган ғалабалари ҳақида гапирмаса-да, лекин, қай-



си раундда муваффақиятга эришишини билар эди. Афсуски, улғайган чоғида АКШ қуроли кучларида ҳарбий хизматини ўташдан бош тортгани боис, ундан чемпионлик камарини тортиб олишиб, 5 йилга озодликдан маҳрум этишди. Лекин, ҳукм апелляция суд орқали бекор этилди. Кейин, 1974 йил Али Жорж Форманни саккизинчи раундда нокаутга учратгач, яна чемпион бўлди. Машҳур боксчи рингда ўтказган 20 йиллик умрида 56 маротаба жанг ўтказиб, 37 тасида рақибларини нокаутга учратган. 2000 йил эса Би-Би-Си телевидениеси уни аср спортчиси дея эълон қилди.

РИМ ТАРИХИДАГИ ЭНГ ЯХШИ ФУТБОЛЧИ

Италиянинг "Рома" клуби капитани Франческо Тотти Рим тарихида энг яхши футболчи, дея эътироф этилди, дея хабар беради "Daily Soccer". Шундай мукофотни Франциянинг "France

football"и ҳам тортиқ қилди. Тоттига бу қутилмаган совға бўлди. "Айни пайтда бу мен учун катта мукофот бўлиб, менга ишонмаётганларга аниқ жавоб бўлади деб ўйлайман", - деди "Рома" сардори.

Республика Таълим Маркази маъмурияти ва қасаба уюшмаси ташкилоти «Маънавий-маърифий ишлар» бўлими ходими Мукамбар Азимовага олмаси

Муқаддас
АБДУРАЗЗОҚОВАнинг
вафоти муносабати билан таъзия
изҳор қилади.

Ko'ngil bitiklari

ДАРЁ БЎЙИДА КЎРДУМ СЕНИ...

Эй гўзал барно, чиройинг олам,
Бир дам кетолмай қолдим ёнингдан,
Қўлимга олдим шу онда қалам,
Куйлай бошладим сенинг хуснингдан.

Ёзинг ёқимлик бир куни эди,
Дарё бўйида турган дақиқам.
Қушлар бас-басда зорини айтди,
Гўё ўтингда куйгандек бу дам.

Қушлар дарахтда, мен олдингдаман,
Тенгаш қилгандай сайради диллар.
Қўзларинг ўйчан хаёл сурасан,
Маъсум табассум кўнгулни чиллар.

Шаббода келиб кўксингга қўнди,
Дедим: — Қанийди мен ҳам учолсам.
Кўнглимда рашк, ҳавас қайнади,
Шу топта учиб сени кучолсам.

ТЎРТЛИКЛАР

Анор сиқилмаса, суви тўқилмас,
Юрак эзилмаса, охи уқилмас.
Мўътадил турмушдан нолиш кутилмас,
Аламсиз қаламла дардинг битилмас.

Хар доим қоғоз узра қалам урганда,
Илҳомим авжига чиқиб турганда,
Битган мисраларни тўртлик атадим,
Рубойилар пири Умар турганда.

Абдуғани ҳожи СУЛАЙМОН ўғли

МАКТАБДА...

Пиерино дарс давомида шовқин қилиб ўтирди, жуда кўп гапирди.
Ўқитувчиси унга:

— Пиерино, бугун сен чидаб бўлмайдиган даражада вайсадинг.
Эртага мактабга отанг билан бирга кел,

— Пиерино:
— Жаноб муаллим, отам мендан ҳам кўп гапирди,
деб жавоб берди.

— Иккита савол бераман, шу саволларга ким тўғри жавоб берса ба-ҳоси аъло,— деди муаллим.

— Пиерино, сизни ким деб аташди?

— Оқлар.
— Нима учун куляҳсиз?
— Чунки биринчи саволга тўғри жавоб бердим.

Бир болакай иккинчи класс вагонига олинган чипта билан биринчи класс вагонига чиқиб олди. Унинг чиптасини кўрган назоратчи ҳайратланиб суради:

— Бу ерга қандай жойлашиб олдинг?!

— Ёмон эмас, раҳмат,
— деб жавоб берди болакай.

Италян тилидан Шарифа МАДРАҲИМОВА таржимаси

Qo'lingizdagi to'rtburchak shakllarda ma'lum bir so'zlar yashiringan bo'lib, uning birinchi so'zi vertikaliga va gorizontaliga yozib qo'yiladi. Siz shunga muvofiq 2,3,4,5 va hokazo so'zlarni topishingiz kerak. Masalan:

B	A	K	U
A	M	U	R
K	U	B	A
U	R	A	L

Shunday so'zlarni topingki ularni vertikaliga ham, gorizontaliga ham o'qisa bir xil bo'lsin.

1)

I	L
L	

 5)

Q	A	M	A	L
A				
M				
A				
L				

 9)

I	S
S	

 13)

V	A	T	A	N
A				
T				
A				
N				

2)

E	N	A
N		
A		

 10)

S	O	M
O		
M		

 14)

P	A	R	K
A			
R			
K			

3)

T	O	L	E
O			
L			
E			

 11)

L	I	M	A
I			
M			
A			

 15)

A	R	K
R		
K		

4)

Q	A	M	I	Sh
A				
M				
I				
Sh				

 7)

A	R	K
R		
K		

 12)

Q	A	R	A	M
A				
R				
A				
M				

 16)

O	T
T	

Tuzuvchi: Davronbek TOJIALIYEV

ЯНГИ ҚЎЛЛАНМА ЯРАТИАДИ

Муқаддас Ер тармоғи (SEN) ҳақондаги экологик нодавлат ташкилотлар ўртасидаги алоқа тармоғини ривожлантиришни қўллаб-қувватлайдиган халқаро нотижорат жамғармаси ҳисобланади. «Табиат муқаддасдир ва унга ҳурмат билан муносабатда бўлиш керак», «Одамзод «Ер» деб аталмиш жонли тизимга муносабатини ўзгартириши даркор» деган икки босқичда фаолият кўрсатаётган нуфузли жамғарма табиатни муҳофаза қилиш ташкилотларига ёрдам кўрсатиб, биосферани сақлашга ҳаракат қилмоқда. Шу билан бирга SEN ҳайвонот ва ўсимликлар оламининг биологик ранг-баранглигини сақлаш ва экологик маълумотлар бўйича лойиҳаларни амалга оширишга ҳам ёрдам кўрсатиб келмоқда.

Жамғарма Ўзбекистонда тоғ қоплонларини муҳофаза қилиш ва ўрганиш бўйича шугулланувчи «Азия-Ирбис» гуруҳига ҳам эга. Унинг молиявий қўллаб-қувватлаши билан «Тоғ қоплони тимсолида камёб турлар ва уларни ҳимоя қилиш муаммолари» деб номланган ўқув қўлланма яратилди.

— Ушбу ўқув адабиёти 10-11-синфлар учун қўшимча манба сифатида ёзилди, дейди «Азия-Ирбис» гуруҳи аъзоси А.Есипов. — Бу берилган маълумотлардан «экология асослари» курсини ўрганиш жараёнида ёки Ўзбекистоннинг камёб ҳайвонларига бағишлаб ташкил этилаётган давра суҳбатларида фойдаланиш мумкин.

Қўлланмада Халқаро Қизил китобга ва Ўзбекистоннинг Қизил китобига киритилган тоғ қоплони тўғрисида батафсил маълумотлар берилган.

Уларнинг ҳимоясига доир бир қатор муаммолар кўтарилган. Унда жумладан, Қизил Китобларга киритилган тоғ қоплонини муҳофаза қилишга оид халқаро ташкилотларнинг рўйхати билан ҳам танишиш мумкин.

А.АЛИЕВ

Самарқанд вилояти ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси қошидаги академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларининг «Истиқболли раҳбар кадрлар заҳира мактаби»га танлов асосида тингловчилар қабул қилинади.

Танловда қатнашиш учун куйидаги ҳужжатлар талаб этилади:

1. Маълумоти тўғрисида ҳужжат.
2. Иш фаолияти тўғрисидаги маълумот.
3. Меҳнат дафтарчасидан нусха.
4. Тавсиянома.

Ҳужжатлар 2002 йилнинг 15 февралигача қабул қилинади.



Қўшимча маълумотлар учун манзилгоҳ:
Самарқанд шаҳри, Шохруҳ кўчаси, 82-уй,
телефонлар: 33-52-86, 33-62-23.



Ma'rifat

ТАБСИС ЭТУВЧИЛАР:

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Марказий Кўмитаси.

Бош муҳаррир:
Ҳалим САИДОВ

Тахрир ҳайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Шукур ЖОНБОЕВ, Фахриддин КАРИМОВ (масъул котиб), Курбонбой МАТҚУРБОНОВ, Усмонали МУСАЕВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Хулқар ТҶИМАНОВА, Нурлан УСМОНОВ, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат Матбуот Кўмитасида № 20 рақам билан 12 июнь 1998 йил рўйхатга олинган.

ИНДЕКС: 149, 150. Г-39. Тиражи 27539 Г. 1 2 3 4 5 6 Ҳажми 4 босма табоқ, Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-3

Навбатчи муҳаррир: Нурлан УСМОНОВ, Навбатчи: Ботиржон ҒОҒУРОВ.

«Ma'rifat»дан материалларни кўчириб босиш тахририят руҳсати билан амалга оширилиши шарт.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб—136-56-42, хатлар, мактабгача ва мактабдан ташқари таълим янгиликлари бўлими —136-54-23, умумий ўрта таълим янгиликлари бўлими, касбга йўналтириш ва ўрта махсус таълим янгиликлари бўлими — 136-54-03, олий таълим янгиликлари бўлими, реклама ва тарғибот бўлими — 136-55-58.

Газета материаллари «Ma'rifat Madadkor» нашриётида терилди. Pentium компьютерида Лилия БИНАШЕВА ва Малоҳат ТОШОВА саҳифалади.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акционерлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй

Босишга топшириш вақти—20.00. Топширилди — 20.00